

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

СУЛОЙМОНОВ ИСРОИЛЖОН ИСОМИДДИНОВИЧ

**«БОБУРНОМА»ДА ҒОЛИБ ВА МАҒЛУБ ШАХС РУҲИЙ
ҲОЛАТИНИНГ БАДИИЙ ТАСВИРИ**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2020

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации

Content of the abstract of doctoral dissertation

Сулоймонов Исроилжон Исомиддинович

«Бобурнома»да ғолиб ва мағлуб шахс руҳий ҳолатининг

бадий тасвири 3

Сулоймонов Исроилжон Исомиддинович

Художественное изображение психологического состояния победителя и
побежденного в «Бабурнаме» 31

Suloymonov Isroiljon Isomiddinovich

The literary narrative of victor and defeat person's state of mind in

«Boburname» 61

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 66

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

СУЛОЙМОНОВ ИСРОИЛЖОН ИСОМИДДИНОВИЧ

**«БОБУРНОМА»ДА ҒОЛИБ ВА МАҒЛУБ ШАХС РУҲИЙ
ҲОЛАТИНИНГ БАДИИЙ ТАСВИРИ**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2020

Фандоктори (Dsc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2017.2.DSc/Fil74 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида www.samdu.uz ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида www.ziyonet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Муҳиддинов Муслиҳиддин Қутбиддинович филология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Қудратуллаев Ҳасан Самадович, филология фанлари доктори, профессор Жабборов Нурбой Абдулҳакимович, филология фанлари доктори, профессор Мустафа Уғурлу филология фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Андижон давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz Самарқанд давлат университети, Бош ўқув биноси, 105-хона.

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ кuni тарқатилди.
(2020 йил «___» _____ даги _____ -рақамли реестр баённомаси).

Ж.Ҳамроев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раис ўринбосари, филол.ф.д.

А.Б.Пардаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби филол.ф.д.

А.Э.Маматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д.

КИРИШ(докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётида мемуар жанрининг мукамал намунаси ҳисобланган «Бобурнома» тарихий-бадий манба сифатида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шу билан биргаликда, у илм-фаннинг кўплаб соҳалари ҳақида маълумот берувчи қомусий асарҳисобланади. «Бобурнома» хорижий тадқиқотчиларнинг эътиборини ўзига тортганлиги боис асар бир қанча чет тилларга таржима қилинган. «Бобурнома» бўйича олиб борилган тадқиқотлар салмоғи ҳам асарнинг қимматини белгилайди.«Бобурнома» воқеалари тасвирида ўз даврининг ижтимоий-сиёсий ҳаётида кўзга кўринган алоҳида шахсларнинг мавқеи биринчи планга кўтарилади, характерлар яратишдаги рангинлик, ғолиб ва мағлуб шахс руҳий ҳолатини тасвирлашдаги бетакрорлик, тасвир этилган зиддиятлар замиридаги жасорат ва қўрқоқлик, мардлик ва хиёнат, ғолиблик шукуҳи ва мағлублик изтиробини ўрин алмашиб туради. Тарихий шахслар руҳиятидаги мураккаб ҳолатлар, психологик жараёнлар, қаҳрамонлармаънавий оламиёритилган муаммоларни тадқиқ этиш мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Жаҳон адабиётшунослигида бугунги кунда «Бобурнома»кўлөзма нусхаларининг кўплаб тадқиқ этилаётганлиги, ундаги тарихий фактлар асосида бадий, тарихий, публицистик асарлар яратишга бўлган эътиборнинг кучаяётганлиги асарнинг оламшумул аҳамиятини яна бир бор тасдиқлайди.«Бобурнома» дунёнинг кўплаб миллий тилларига таржима қилиниб, қайта-қайта нашр этилаётгани ҳам бунинг яққол далилидир. Бинобарин, «Бобурнома»нинг ғоявий-бадий мазмун кўлами, муаллиф шахсияти, ўзига хос тасвир услуби, бадий маҳорат, ғолиб ва мағлуб шахс руҳий ҳолати тасвири муаммоларини замонавий таҳлил методлари асосида илмий тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз миқёсида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, адабиёт ва маънавиятга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганлиги ўзбек адабиётининг классик намуналарини янгича руҳда тадқиқ этишни талаб қилмоқда. Ўзбек адабиётшунослигида мавжуд мумтоз адабий анъаналар билан бир қаторда, жаҳон адабиётшунослигидаги янгича тамойил ва методларни ижодий ўзлаштириш, уларни тадқиқотларда фаол қўллаш кўникмаси шаклланиб бормоқда. «Ўзбекистон илм-фан, интеллектуал салоҳият соҳасида, замонавий кадрлар, юксак технологиялар борасида дунё миқёсида рақобатбардош бўлиши шарт»¹лиги ўзбек адабиётшунослик фанини ҳам мавқе даражасини кўтариш талабини кўяди. Шу тамойилдан келиб чиққан ҳолда «Бобурнома»да ғолиблик ва мағлублик муаммосини адабий-эстетик категория сифатида ўрганиш ушбу ишнинг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабрь. №258 (6952).

тўғрисида»ги Қарори, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3074-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш марказини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича «Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 июлдаги 571-сон «Самарқанд давлат университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 октябрдаги ЎРҚ-576-сон «Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида»ги Қонуни, 2020 йил 24 январдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи¹.

«Бобурнома»нинг тарихий-бадиий қиммати, муаллифнинг тасвирлаш маҳорати, асар таржималари юзасидан хорижнинг бир қаторетакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан, California Universities (АҚШ), Humboldt Universitat (Германия), Oxford, Cambridge Universities (Буюк Британия), Jawaharlal Nehru University (Ҳиндистон), Kyoto University (Япония), Eötvös Loránd University (Будапешт, Венгрия), Ain Shams University (Миср), Cumhuriyet, Kocaeli Üniversitesi Süleyman Demirel Üniversitesi, Ankara Üniversitesi (Туркия), Azərbaycan Milli İlimler Akademisi, Bakı Dövlət Universiteti (Боку), Институт востоковедения РАН (Россия), Қозон университети (Россия), Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон

¹Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: <https://Oxford Bibliographies Online Research Guide>; <https://ru.wikipedia.org/wiki/>; <https://books.google.co.uz>; academia.uz; www.ebooks.azlibnet.az/book/HCBOWku7; <https://ELTE-Eötvös-Loránd-Tudományegyetem>; www.britanica.com; www.cambridge.org; www.amazon.com; www.edu.uz; britishcouncil.org; internauka.ru; micros.uz; actsudent.org; educationusa.info; americanenglish.state.gov; arzamas.academy/uni/eastwest/pers; www.twirpx.com; www.dissercat.com ва бошқа манбалар асосида тайёрланди.

тиллари университети(Ўзбекистон)да қатор илмий тадқиқотлар юзага келмоқда.

«Бобурнома» асари бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги илмий хулосалар олинган. Жумладан: Бобур ва бобурийларнинг адабий фаолияти, «Бобурнома»нинг туркий наср намунаси эканлиги, унинг тарихийлик, бадиийлик хусусиятлари илмий исботланган (Oxford, Cambridge University); Бобур асарлари жаҳон илм фанининг нодир адабий мероси сифатида муҳим аҳамият касб этиши илмий ва назарий жиҳатдан асосланган (California University); Бобур ва бобурийларнинг жаҳон илм-фани, адабиёти, маданиятини ривожлантиришдаги роли, жаҳон адабиётшунослигида тарихийлик ва бадиий талқин масаласи, Бобурнинг ўзига хос тасвирлаш услуби аниқланган (Jawaharlal Nehru University); «Бобурнома»нинг жаҳон тарихида тутган ўрни, муаллиф шахсияти масаласи асосланган (Eötvös Loránd University); «Бобурнома» асари нусхаларининг қиёсий таҳлили, асарнинг жаҳон тарихи учун муҳим манба экани исботланган (Cumhuriyet, Kocaeli Üniversitesi); «Бобурнома»нинг таржималари, асарнинг ўзига хос хусусиятлари, асардаги тарихий шахслар тасвири ва талқини масаласи назарий жиҳатдан исботланган (Azerbaycan Milli Pimler Akademisi, Bakı Dövlət Universiteti); Бобур ҳаётининг фаолияти ва «Бобурнома» бўйича дунё мамлакатларида амалга оширилган тадқиқотлар библиографияси тузилган ҳамда асарнинг жаҳон адабиётига таъсири исботланган (Институт востоковедения РАН); «Бобурнома»нинг бадиийлик хусусиятлари, унинг қиёсий таҳлили, асарда шахс руҳияти талқини масалалари асосланган (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Ўзбекистон).

Жаҳон адабиётшунослигида «Бобурнома»нинг бадиий қиммати, муаллифнинг ўзига хос тасвирлаш услуби бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: «Бобурнома»даги тарихийлик ва бадиийлик хусусиятларини белгилаш ҳамда феноменологик аспектда ўрганиш; асардаги социоантропологик доминантларни тайин этиш; асарда тасвирланган тарихий шахсларнинг зоҳири ва ботинида содир бўладиган ғолиблик ва мағлублик руҳий ҳолатининг бадиий тасвирини очиқ бериш; «Бобурнома»даги тарихий фактлар асосида яратилган турли жанрлардаги асарларни тадқиқ этиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бобур ижодий мероси, жумладан, «Бобурнома»ни ўрганиш, уни тадқиқ этиш, асарнинг бадиий хусусиятлари, муаллифнинг ўзига хос баён услуби каби масалаларни махсус илмий тадқиқ этишда ўзбек олимлари: А.Фитрат, М.Шайхзода, П.Шамсиев, С.Мирзаев, С.Азимжонов, В.Зоҳидов, Ҳ.Ёқубов, С.Жамолов, А.Қаюмов, Б.Валихўжаев, А.Абдуғафуров, Ғ.Саломов, Н.Комилов, С.Ҳасанов, Н.Отажонов, Ҳ.Қудратуллаев, С.Жалилов, Р.Воҳидов, Ё.Исҳоқов, И.Ҳаққулов, Ҳ.Болтабоев, Х.Султонов, В.Раҳмонов, Ш.Рустамхўжаев, А.Иброҳимов, Н.Низомиддинов, Д.Салоҳий, Н.Жабборов, Э.Очилов,

З.Холманова, Д.Ҳошимова, Р.Каримов, М.Абдуллаева¹; рус олимлари: И.В.Стеблева, А.Н.Самойлович ҳамда хориж олимлари: Ж.Лейден, У.Эрскин, Л.У.Кинг, Р.М.Калдекот, Ф.Г.Талбот, С.Лейн-Пуул, Э.Холдэн, М.Элфинстон, Г.М.Эллот, А.Денисон Росс, В.Х.Морлеанд, А.С.Бевеерж, А.де Лонг-Перь, А.Ж.Клапорт, Ж.Дранжете, Паве де Куртейл, Жан-Поль Ру, Луи Базен, Жан-Луи Бакье Граммон, Аҳмад Али Кўҳзод, Абдулхай Ҳабибий, Шафиқа Ёркин, Гулчин Маоний, Зокир Ҳусайн, Нурул Ҳасан, Муни Лаъл, М.Ҳайдар, С.П.Шарма, Ҳ.Лэмб, У.Тэкстон, Темур Хамит, Байузак Кожабек ўғли, Рашит Раҳмати Арат, Билол Южел, Эйжи Манў каби олимларнинг хизматлари бекиёс.

Ўзбек адабиётшунослигида «Бобурнома»ни таржима қилиш, унинг бадий хусусиятларини ўрганиш, муаллифнинг ўзига хос тасвирлаш

¹Фитрат. Ўзбек адабиёти намуналари. 1-жилд. – Тошкент: Ўздавнашр, 1928. – Б.43; Мақсуд Шайхзода. Асарлар: 6 жилдлик, 5-жилд. Заҳириддин Бобир. Т.: Ғафур Ғулом номидаги бадий адабиёт нашриёти, 1973. – Б. 327; Бобир. Асарлар / Нашрга тайёрловчилар П.Шамсиев, С.Мирзаев. Уч жилдлик. – Тошкент: Фан, 1965-1966; Бобир. «Бобирнома» / Нашрга тайёрловчи П.Шамсиев. – Тошкент, 1960; Бобир. Танланган асарлар / Нашрга тайёрловчилар С.Азимжонова, А.Қаюмов. – Тошкент, 1958; Азимджанова С. Индийский диван Бабура. – Тошкент: Фан, 1966. – С.76; Ферганский удел Омар-Шейха и Бабура (в XV и начале XVI вв). Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1949; В. Зоҳидов. Бобирнинг фаолияти ва илмий-адабий мероси ҳақида // Бобир. Бобирнома. – Тошкент, 1960; Ҳ.Ёқубов. Бобир. – Тошкент, 1941; Адабий мақолалар. Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1970. – 366 Б; Жамолов С. О художественных особенностях «Бабур-наме». Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1961; А.Қаюмов. Асарлар. 5-жилд. Тошкент, «Мумтоз сўз», 2009. – Б. 303; Б.Валихўжаев. Заҳириддин Мухаммад Бобир. // Ўзбек адабиёти тарихи. Беш жилдлик. 3-жилд. Тошкент, 1978. – Б. 380; Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. Заҳириддин Мухаммад Бобурнинг адабий танқидий қарашлари. Тошкент, 1993; Мумтоз сиймолар. Сайланма: 2 томлик. (2-том Заҳириддин Мухаммад Бобурга бағишланган). Тошкент.: Халқ мероси нашриёти, 2002; «Бобурнома» улкан асар намунаси. Ўзбек насри тарихи. Тошкент, 1982; Бобур. Девои / Нашрга тайёрловчи А.Абдуғафуров. – Тошкент: Фан, 1994; Ғайбуллоҳ ас-Салом, Отажон Н. Жаҳонгашта Бобурнома. – Тошкент: Фан, 1996; Н.Отажонов. Бадиий таржима ва илмий шарҳ. Т.: «Билими» жамияти, 1978. – 26 Б; Бобур. Мубаййин / Нашрга тайёрловчи С.Ҳасанов. – Тошкент, 2001. – Б.182; Ҳасанов С. Бобурнинг Рисолаи аруз асари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1986. – Б. 274; Бобир. Мухтасар / Нашрга тайёрловчи С.Ҳасанов. – Тошкент: Фан, 1971. – Б.241; Заҳириддин Мухаммад Бобур. Бобурнома. Нашрга тайёрловчи С.Ҳасанов. – Тошкент. Шарҳ. 2002; Заҳириддин Мухаммад Бобур. Т.: «O'zbekiston», 2011. – 84 Б; Н.Отажонов. «Бобурнома» жаҳон адабий жараёнида: қиёсий-типологик таҳлил. Филол. фан. док. ... дисс. – Тошкент, 1994; Ҳ.Қудратуллаев. Бобурнинг адабий-эстетик олами. – Тошкент, «Маънавият», 2018. – Б. 271; Бобурнинг давлатчилик сиёсати ва дипломатияси. – Тошкент: «Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бosh таҳририяти, 2011. – Б. 431; Бобур армони. – Тошкент: «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosh tahririyati, 2009. – Б. 383; «Бобурнома»нинг тарихий-адабий ва услубий таҳлили (Навоий, Бобур, Хондамир ва Восифий насрининг қиёсий таҳлили). Филол. фан. док. ... дисс. – Тошкент, 1998; Бобурнинг адабий-эстетик қарашлари. – Тошкент: Фан, 1983; С.Жалилов. Бобир ва Юлий Цезар: (Қиёсий ҳаётнома). Т.: Янги аср авлоди, 2001; Воҳидов Р. Биз билган ва билмаган Бобур. Адабий ўйлар. Тошкент: «Маънавият», 1999; Ё. Исҳоқов. Нақшбандия таълимоти ва ўзбек адабиёти. – Т.: Абдулла Кодирий номидаги ХМН, 2002; Заҳириддин Мухаммад Бобур. Бабуриды библиография. Тузувчи-муаллиф Ш.Ш.Рустамхўжаев. – Москва: Издательство восточной литературы, 2016. – Б. 1180; А. Иброҳимов. Бобурийлар мероси. – Т.: Фан, 1998; Ҳ. Болтабоев. Мумтоз сўз кадри. – Тошкент: Адолат, 2004. – Б.138; Хайридин Султонов. Бобурийнома. – Тошкент, «Маънавият», 2019. – Б. 463; Раҳмонов В. Бобурнома. Ҳозирги ўзбек тилига мослаштирилган таъдир; Шох, адиб ва шоир. З.М.Бобур. «Бобурнома» китобиға муқаддима. Тошкент, «Ўқитувчи», 2008. – 287 Б; Низомиддинов Н. Қадимги Ҳиндистон тарихи, диний этиқоди ва маданияти. Т.: Фан ва технология, 2014. – Б 461; Буюк бобурийлар тарихи (XVI-XIX аср). Монография. Тошкент.: Fan va texnologiya, 2012; Д. Салохий. Бобурнинг буюк этиқоди. – Самарқанд, 2019. – Б. 88; Жабборов Н. Султонларнинг сараси / Маърифат надири. – Т.: Маънавият, 2010.71-77-б; Очилов Э. Заҳириддин Мухаммад Бобур. Т.: «O'zbekiston», 2013. – 134 Б; Бобур. Рисола. Т.: Абу матбуот консалт, 2011. – 32 Б; З. Холманова. «Бобурнома» лексикаси тадқиқи. Филол. фан. док. ... дисс. – Тошкент, 2009; Д.Хошимова. «Бобурнома» матнидаги тасвирий воситаларнинг инглиз тилига таржималари тадқиқи. филол.фан.док. ... дисс. – Тошкент, 2018; Каримов Р. «Бобурнома»даги шеърлар хорижий тилдаги таржималарининг қиёсий таҳлили. Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2003; М.Абдуллаева. «Бобурнома» ва «Шажараи турк»нинг қиёсий-типологик таҳлили. Филол. фан. номз. ... дисс. – Самарқанд, 2004.

махорати, асардаги тарихий шахслар портретикаби масалалар юқорида тилга олинган илмий ишларда тадқиқотчилар томонидан ўрганилган бўлса-да, лекин улардаги шахс руҳий ҳолатининг бадиий-эстетик тасвири, тарихий шахслар тасвирида ғолиблик ва мағлублик муаммоси ҳам эътибордан четда қолиб келмоқда. В.Зоҳидов асарни ўзбек адабиётида бадиий прозанинг биринчи буюк намунаси эканини эътироф этади, Ҳ.Ёқубов уни тарихий, бадиий наср намунаси сифатида баҳолайди, А.Қаюмов асарни ўрганишда тарихий воқеаларни илмий жиҳатдан умумлаштириб талқин этади, Б.Валихўжаев Бобурнинг адабий-танқидий қарашларини ўрганади, Н.Отажонов, Н.Комиловлар асарнинг бадиий таржималарини тадқиқ этади, Ҳ.Қудратуллаев эса Бобурнинг адабий-эстетик қарашлари, давлатчилик сиёсати ва дипломатияси, «Бобурнома»нинг тарихий-адабий ва услубий хусусиятларини тадқиқ этади, С.Жалилов Бобур ва Юлий Цезар шахсиятини қиёслаб ўрганади, Х.Султонов асардаги тарихий фактларга бадиият нуқтаи назаридан ёндашади, Ё.Исҳоқов ва Д.Салоҳийлар Бобурнинг эътиқодий қарашлари, нақшбандия тариқатига муносабати масаласини ўрганади, Н.Жабборов Бобур шахсияти, унинг миллий маънавиятимизда тутган ўрни масаласини, М.Абдуллаева «Бобурнома» ва «Шажараи турк» асарлари бадииятини қиёсан таҳлил этади. «Бобурнома»да тарихий шахслар – ҳукмдорлар, бек ва амирлар, оддий аскар руҳий ҳолати тасвири, ғолиб ва мағлуб шахслар руҳияти концепцияси масаласи хориж ва ўзбек олимлари томонидан ўрганилмаган, мавзу юзасидан махсус монографик тадқиқотлар олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Самарқанд Давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасининг 2016-2020 йилларга мўлжалланган «Алишер Навоий ижоди ва адабий таъсир масалалари» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади «Бобурнома»да тасвирланган шахсларнинг зоҳирий ва ботиний оламида содир бўлган ғолиблик ва мағлублик руҳий ҳолати тасвирини очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

давр ижтимоий-сиёсий ва психологик ҳолатининг «Бобурнома»да акс этиши, муаллифнинг шахс руҳиятидаги ғолиблик ва мағлублик масаласига муносабатини аниқлаш;

давр ҳукмдорлари (Шайбонийхон, Ҳусайн Бойқаро, Жаҳонгир Мирзо ва бошқалар) шахсиятидаги ғолиблик ва мағлублик кайфиятларини бадиий-эстетик жиҳатдан тадқиқ этиш;

бек ва аёнлар руҳиятида кечган ғолиблик ва мағлублик ҳолатини хатти-ҳаракатлар, жест ва мимикалар орқали очиқ бериш;

эътиқодий қарашларда ғолиблик ва мағлубликнинг талқин этилишини руҳоният кишилари (тасаввуф арбоблари, шайхлар, уламолар) мисолида ўрганиш;

«Бобурнома» асосида яратилган асарларда тарихий ҳаёт ва бадиий талқин масаласини тадқиқ этиш.

Тадқиқотнинг объектини «Бобурнома», «Ҳабиб ус-сияр», «Тарихи Рашидий», «Ҳумоюннома», «Юлдузли тунлар», «Бобурийнома», «Юз оҳ, Заҳриддин Муҳаммад Бобур», «Гулбаданбегим», «Ўн олтинчи аср бунёдкори», «Андижон шаҳзодаси» («Бобур – йўлбарс») асарлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини «Бобурнома» да тарихий шахслар руҳиятидаги ғолиблик ва мағлублик тасвирлари, Бобурнинг давр ва шахсларга берган объектив баҳоси, шунингдек, эътиқодий қарашларда ғолиблик ва мағлублик муаммоси, тарихий ҳақиқат ва бадиий талқин масалалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Мавзуни ёритишда қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик, биографик, психологик, психоаналитик, структурал таҳлил методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

«Бобурнома»да шахснинг ташқи ва ички дунёсидаги ғолиблик ва мағлублик ҳолатлари бадиий тасвири очиқ берилган;

Бобурнинг давр ва шахсларга холис баҳо берган эксперт сифатидаги фаолияти ҳамда мавзу моҳиятининг бир шахс тақдирида намоён бўлиш ҳолати асосланган;

давр ҳукмдорлари руҳиятидаги ғолиблик ва мағлублик ҳолати Шайбонийхон, Ҳусайн Бойқаро, Жаҳонгир Мирзо каби шахслар мисолида аниқланган;

ғолиблик ва мағлублик тушунчаларининг руҳий ҳолатга таъсири, бек ва аъёнларнинг асарда тасвирланган ҳатти-ҳаракатлари, юриш-туришлари, муомала муносабатлари орқали ёритилган;

«Бобурнома»да эътиқодий қарашлар концепциясининг ғолиблик ва мағлублик масаласи билан боғлиқ жиҳатлари, асарда тасвирланган руҳоният кишиларининг Бобур шахсиятига таъсиримасалалари далилланган;

жаҳон адиблари ва адабиётшуносларининг «Бобурнома» асосида яратилган асарларида тарихий ҳақиқат ва бадиий талқин муаммоси очиқ берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

«Бобурнома»да шахс ботини ва зоҳиридаги икки нуқта: ғолиблик ва мағлублик ҳолати тушунчаси таҳлиллар орқали очиқ берилган;

ўрганилаётган даврда шахснинг руҳий ҳолати: оғир дамларда ўзини тута билиши ёки ҳаракатини бошқара олмаслиги ҳоллари тарихий фактлар асосида таҳлил этилган;

«Бобурнома»да кўплаб тарихий шахслар таъриф ва тавсиф этилиши, уларнинг руҳий ҳолати, барқарор ва беқарор сиёсий муҳитда бир руҳий ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиши, бир зумда ғолиблик нашидасини суриши ва мағлубликнинг аччиқ аламини тортиши каби масалалар ўрганилган;

этикодий қарашларда ғолиблик ва мағлублик масаласининг талқин этилиши рухоният кишилари (тасаввуф арбоблари, шайхлар, уламолар) мисолида ўрганилган;

«Бобурнома» материаллари асосида яратилган асарларда тарихийлик ва бадий талқин масаласига эътибор қаратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилигимуаммонинг аниқ қўйилгани, чиқарилган хулосаларнинг аниқлиги, олиб борилган таҳлиллар қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик, биографик, психологик, психоаналитик, структурал таҳлил методлари орқали асосланганлиги, ишончли назарий манбалардан фойдаланилганлиги, натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, «Бобурнома»да ғолиб ва мағлуб шахс руҳий ҳолатининг бадий тасвири, тарихий ҳақиқат ва бадий талқин масаласи нуқтаи назаридан биринчи марта монографик тарзда махсус тадқиқ этилиб, илмий-назарий умумлашма ва хулосаларга келинганлиги билан белгиланади. Тадқиқот натижалари «Бобурнома» асари бўйича олиб бориладиган тадқиқотларда, ўзбек адабиёти тарихи дарслигининг тўлиқ вариантини тайёрлашда, хорижда амалга оширилаётган илмий-тадқиқотларни ўрганиш ҳамда ўзбек мумтоз адабиётида тарихий шахслар руҳий ҳолатини тадқиқ этиш юзасидан яратиладиган тадқиқотларда манба бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертация материалларидан ўзбек адабиёти тарихи, тасаввуф ва мумтоз поэтика асослари, Бобур ва бобурийлар даври адабий муҳити, лирик жанрлар поэтикаси фанлари бўйича махсус курс ва семинарлар ўтишда, мумтоз адабиёт тарихи соҳасида талабалар билим ва малакаларини оширишда, илмий мақолалар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. «Бобурнома»да ғолиб ва мағлуб шахслар руҳий ҳолатининг бадий тасвири масаласини тадқиқ этиш асосида олинган илмий натижалар:

«Бобурнома»да давр ижтимоий-сиёсий ҳолатининг акс этиши, муаллифнинг ғолиблик ва мағлублик масаласига муносабати ҳамда Бобурнинг давр тарихининг эксперти сифатида намоён бўлиши тадқиқ этилган ўринлардан ОТ-Ф8-027 рақамли «Қўлёзма манбаларнинг миллий маънавий ва адабий мерос тарғиботидаги аҳамияти» мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 27 майдаги 89-03-2258-сон маълумотномаси). Натижада муаллифнинг ғолиблик ва мағлублик масаласини тасвирлаш маҳорати ёритилган.

«Бобурнома»да тасвирланган рухоният кишилари (тасаввуф арбоблари, шайхлар, уламолар) шахсияти тасвири таҳлилида комил инсон масаласининг ўрганилиши, ғолиб ва мағлуб тушунчасининг эътиқод нуқтаи назаридан баҳоланиши ҳамда муаллифнинг комил инсон ҳақидаги қарашлари таҳлили натижаларидан 5.1.17-рақамли «Шарқ мумтоз адабиётида комил инсон

концепцияси» мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 27 майдаги 89-03-2258-сон маълумотномаси). Олинган натижалар асосида Бобур шахсиятида руҳоният вакилларининг таъсири, унинг буюк эътиқоди масаласи аниқланган.

«Бобурнома»да кенг қўлланилган шахс руҳиятини ифодаловчи тил бирликлари, атамаларнинг маъноларини изоҳлаш масаласини ёритишда ОТ-Ф8-062 рақамли «Тил тараққиётининг деривацион қонуниятлари» мавзусидаги фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 15 июлдаги 89-03-2771-сон маълумотномаси). Натижада «Бобурнома»да ғолиб ва мағлуб шахс руҳиятини ифодаловчи бир қатор истилоҳларнинг ифода тарзи аниқлаштирилган.

«Бобурнома» Шарқ тарихнавислиги ва бадиий насрнинг энг илғор анъаналарини ўзида мужассамлаштирган асар экани, унда муаллифнинг ўзига хос оригинал услуби ва ёндашуви каби жиҳатларнинг намоён бўлиши ва диссертация материалларидан ХТ-Ф-2-004 рақамли «Ўзбек халқ педагогикаси ва фольклор анъаналари» мавзусидаги фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 4 ноябрдаги 89-02-2922-сон маълумотномаси). Илмий нитажанинг қўлланиши ғолиблик ва мағлублик тушунчасининг генезиси, халқ оғзаки ижоди жанрларидан муаллифнинг фойдаланиш маҳорати каби масалаларни ўрганишда асос бўлиб хизмат қилган.

«Бобурнома»да муаллифнинг илоҳиёт сирларига, самовий қудратга бўлган ишончи, унинг самовий жисмларга, уларнинг ҳаракатига бўлган муносабати масаласини аниқлашда Ф-1-ХТ-О-19919 рақамли «Ўзбек мифологияси ва унинг бадиий тафаккур тараққиётидаги ўрни» мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 4 ноябрдаги 89-02-2922-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижалари «Бобурнома»да туш тасвири, тушнинг шахс руҳиятига, ғолиблик ва мағлублик концептига таъсири масаласини аниқлашда манба бўлиб хизмат қилган.

«Бобурнома»да муаллифнинг даврга, тарихий шахсларга объектив баҳо бера олган эксперт сифатидаги фаолиятини очиб беришда «Татар адабиёти тарихи», «Татар фольклори» кўптомликларини тайёрлашда фойдаланилган (Татаристон Республикаси Г.Ибрагимов номидаги Тил, адабиёт ва санъат институти маълумотномаси). Натижада, Бобурнинг давр тарихига, тарихий шахсларга бўлган муносабатига оид назарий хулосалар чиқарилган.

Тадқиқот натижаларидан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «O‘zbekiston» телеканалининг «Заҳириддин Муҳаммад Бобур» ва «Шоҳ ва шоир» кўрсатувларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «O‘zbekiston» телерадиоканали давлат унитар корхонасининг 2019 йил 3 майдаги 02-13-820-сон маълумотномаси). Натижада мазкур кўрсатувларнинг илмий-оммабоплиги таъминланган ҳамда янги манбалар билан бойиган.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Самарқанд вилояти бўлими қошидаги «Садоқат» ижодий тўғараги фаолиятида диссертация илмий натижаларидан фойдаланиб семинарлар ўтказилган, жумладан: «Бобурнома»нинг бадиий қиммати, жаҳоний аҳамияти, асарда давр ижтимоий-сиёсий ҳолатининг акс этиши ҳамда муаллифнинг давр тарихига ва тарихий шахсларга берган объектив баҳоси тадқиқи муаммосини ўрганишда фойдаланилган (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2019 йил 13 майдаги 01-03-12/517-сонли маълумотномаси). Илмий натижалар ёш ижодкорларнинг Бобур шахсияти ва «Бобурнома»ни теранроқ англашларига кўмаклашган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 9 та Республика илмий-амалий анжуманларида қилинган маърузаларда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича республика ва хориж журналларида жами 34 та иш, жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, 9 та илмий ахборот ва маъруза тезислари, шулардан 4 та илмий мақола халқаро журналларда, 7 та хорижий илмий конференцияларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, беш боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Диссертациянинг умумий ҳажми 280 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, ишнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, илмий янгилиги, амалий натижалари баён этилган. Тадқиқот давомида олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, мавзунинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот усуллари ёритилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорийланиши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Бобурнома**»да давр ижтимоий-сиёсий ҳолатининг акс этиши ҳамда муаллифнинг **ғолиблик ва мағлублик масаласига муносабати**» деб номланган. Биринчи фасл «Бобурнома»да муаллиф давр тарихининг эксперти сифатида» деб юритилади. Бунда «Бобурнома» асарининг бадиий қиммати, жаҳоний аҳамияти хусусида фикр юритилади, Бобурнинг давр тарихига ва тарихий шахсларга берган объектив баҳоси тадқиқ этилади. «Бобурнома» – Марказий Осиё, Афғонистон, Эрон ва Ҳиндистоннинг XV аср сўнгги ўн йиллиги ва XVI асрнинг яқин 30 йиллик тарихини қамраб олган йирик монументал тарихий-мемуар асар эканлиги фанда ўз исботини топган. Бобур ушбу мемуар асарида тарихий ҳодисаларни нафақат кузатувчиси сифатида, балки бевосита иштирокчиси сифатида тасвирлайди. Н.Жўраев таъкидлаганидек,

«Шарқ тарих фалсафасининг ўзига хослиги шундаки, унда турли даврларда ҳукм сурган подшоликлар ва уларнинг сулолалари тарихий даври сифатида қабул қилинади ва ана шу даврда юз берган барча воқеалар, маънавий-ахлоқий мезонлар, маданий ва ижтимоий тараққиёт бевосита ана шу подшоликлар ва уларнинг сулолалари юргизган сиёсат асосида ўрганилади...»¹. Бобур ўз даврининг сиёсий ҳукмдори бўлиш билан бирга, нозик дидли ижодкор ҳам эди. «Бобурнома»нинг кўп ўринларида бу жиҳат ёрқин акс этади. Мазкур масала биринчи галда Бобурнинг тарихни англаши билан боғлиқ. Бобур яшаган давр тарих майдонидаги мураккаб, кескин ва зиддиятли ҳодисаларга бой бўлиб, умазкур сиёсий-ижтимоий жараёнда ҳар томонлама тобланиди. Академик В.Зоҳидов таърифи билан айтганда: «Бобир тарих майдонида пайдо бўлган давр жуда катта, муракаб ва зиддиятли ҳодисаларга тўла эди. Бобирнинг илмий ва адабий фаолияти ана шу ҳодисаларга боғлиқ бўлиб, унинг тақдирида ўша ҳодисалар катта роль ўйнаган»². «Бобурнома»да 1494 йил воқеаларидан бошлаб Мовароуннаҳр ва Осиёнинг бошқа ҳудудлар тарихи ёритилса-да, ундаги воқеалар динамикаси аввалги ва кейинги даврларни ҳам қамраб олади. Бобурнинг фикр доираси ниҳоятда кенг, эрудицияси жуда чуқур, хотираси кишини ҳайратда қолдирадиган даражада кучли эди. Уни коиноту табиатдаги барча ҳодиса ва соҳалар қизиқтирган, ҳамма вақт камолотга ва янгиликка интилиб яшаган. XV аср ва XVI асрнинг бошларидаги муҳим ижтимоий-сиёсий ҳодисалар Хуросон ва Мовароуннаҳрда бўлиб ўтган тож-тахт учун курашлар авжига чиққан вақтдаёш Бобур Мирзо отаси Умаршайх мирзонинг фожиали вафотидан кейин Фарғона вилоятига подшоҳ бўлади. «Гарчи Бобур мирзо қонуний тахт вориси бўлса ҳам ҳеч қутилмаганда 12 ёшида подшоҳ бўлиб қолиши унинг ақлий жиҳатдан эртароқ улғайиб етилишига, инсоний фазилатию, диний эътиқодининг нисбатан эрта ривожланиб такомиллашувига сезиларли туртки бўлди»³. Бобур чигал сиёсий, ижтимоий, тарихий вазиятда тахтга ўтиради. «Мовароуннаҳр тупроғида авж олган ўзаро жангларда Бобур Мирзо ҳам қатнашишга мажбур эди»⁴. Болалик давридаги жангу жадаллар, сиёсий тўқнашувлар Бобурни ҳар томонлама чиниқтирди. Мазкур ҳолатлар «Бобурнома» саҳифаларида тасвир этиб бориладиган экан, муаллиф тарихга ва тарихий ҳодисаларга ўз нуқтаи назари билан субъектив ёндашади, яъни у ўз даври тарихининг «эксперти» сифатида воқеа-ҳодисалар тасвирини таҳлил қилиб беради.

Бобурнинг иккинчи фасли «Бобурнома» муаллифи тимсолида руҳий беқарорлик ҳолати тасвири» деб номланади. Унда ғолиблик ва мағлублик масаласининг муаллиф шахсиятида содир бўлиш ҳолати тадқиқ этилади. Бобур яшаган давр— Мовароуннаҳр ва Хуросонда темурийлар салтанатининг инқирози, Ҳиндистонда эса бобурийлар давлатининг барпо бўлиши билан боғлиқ. Ана шу замонда Бобур кўп бора ғолиблигу мағлублик аламини тотиб

¹Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. –Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 70.

²Зоҳидов В. Ўзбек адабиёти тарихидан. –Тошкент: Бадиий адабиёт, 1961. – Б. 48.

³Жалилов С. Бобир ва Юлий Цезар. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2000. – Б. 66.

⁴Файзиев Т. Темурийлар шажараси. Тошкент.: «Ёзувчи», 1995. – Б. 220.

кўришига тўғри келган. Шундай вазиятларда унинг шахс сифатидаги беқарор ҳаёт тарзи руҳий ҳолатининг тасвири «Бобурнома»да қисқа, содда кўринишда бадий ранг-барангликда тасвирланган. Бу ҳолатларни атрофлича ўрганиш, воқеалар ривожини ва кўламига қалбани ёндашиш орқали амалга оширилади. Бобур болалигидаёқ шахзодалик руҳи, жаҳонгирлик кайфияти ва нозик диди билан бошқалардан кескин ажралиб турарди. У кейинчалик, подшоҳлик йилларида ҳам бойликка, ҳою ҳавасга, давлатмандликка ортиқча эътибор бермаган. Зеб-зийнатдан завқ олиш, роҳатланиш ҳиссиётига берилмаган, уларга бепарволик назари билан қарашга одатланган. Мазкур руҳий интеллектуал ҳолат уни умри давомида тарқатмайди. Бу хусусиятни «Бобурнома»нинг ҳар бир саҳифасида кузатиш мумкин. 1487 йили, яъни Бобур Мирзо тўрт яшарлигида (она тарафидан) катта отаси Юнусхон вафот этади. Унинг васиятига биноан, 1488 йил эндигина беш ёшга тўлган Бобурни Самарқандга олиб бориб, амакиси Султон Аҳмад Мирзонинг қизларидан Ойша Султон Бегимни ўша давр удумига кўра «қулоқ тишлатти» қилишган ва бу маросимга атаб шоҳона тантана уюштирилган. Бобур Самарқандга борган чоғида улуғ бобоси Соҳибқирон Амир Темурдан қолган ҳашаматли оромгоҳлар, боғларни, ғаройиб қасрларни, феруза рангдаги гумбазли мақбараларни ва ганчкорлик санъатидан ярқираб турган миноралар гўзаллигини, товушлардан акс-садо берадиган масжиду-мадрасалар маҳобатини гўдаклик шуурига сингдириб идрок эта олган. Илк бора унинг руҳиятидаги улуғворликка интилиш ва ғолиблик кайфияти айни шу кезларда унинг кўнглида мустаҳкам жой эгаллайди. Йиллар ўтиб, илк сафардаги ғолиблик нашъаси, айниқса, отаси Умаршайх Мирзо вафот этиб, тахтга ўтиргач, Самарқандни тўла тасарруфига олиш ва буюк бобоқалони Амир Темур салтанати – империясини қайта тиклаш истаги билан қўшилиб ягона мақсадга айланди. «Бобур ўз Фарғонасида Самарқандга кўшни эди ва умрининг ўнинчи ҳамда йигирманчи йилларида ушбу шаҳарни эгаллаш истаги жуда ҳам кучли бўлган...»¹. Бобурнинг мукамал шахс сифатида камол топишида Умаршайх Мирзонинг ёшлигидаёқ отаси Абусаид Мирзо томонидан юборилган амирлардан Мирғиёс тағойи билан Али Дарвеш номларини алоҳида тилга олмоқ лозим. Бобурнинг ҳаётининг фаолиятида муҳим ўрин тутган, унга садоқат билан хизмат қилган, унинг ғолиблик ва мағлублик давларида ҳам доимо ёнида бўлган шахслар қаторига Ҳофиз Муҳаммадбек Дўлдой, Хожа Ҳусайнбек, Шайх Мазидбек, Али Дўст тағойи, Вайс Лоғарий, Қамбар Али, Ҳасан Яъқуббек, Қосимбек қовчин, Хожа Мавлонойи Қози, Шерим тағойи кабиларни киритиш мумкин. Булар Умаршайх Мирзо ўлимидан сўнг Бобурнинг саройида қолган эътиборли амиру беклар эди. Айнан зодагонлар гуруҳи ва кейинчалик улар сафига қўшилган бошқа беку умаро билан Бобур ўз зафару мағлубиятларини бошидан кечирди. «Бобурнома»даги айрим тасвирларда гарчи тарихий шахслар, жумладан Бобурнинг ғолиблик ва мағлублик даражасидаги тасвири бевосита матнда берилмаса ҳам, тарихий воқеалар заминида аён бўлади. Бобурнинг

¹ Бэмбер Гаскойн. Великие моголы. Потомки Чингисхана и Тамерлана. – Москва: Центрполиграф, 2010. – С.19.

таъкидича, энг якин қариндошлари ҳам рақиби Аҳмад Танбал томонига ўтиб, унинг рухий ҳолатининг ўзгаришига сабаб бўлади. Натижада яқиндагина ғолиблик нашидасини сураётган Бобур зиддиятлар гирдобидида қолиб ўзини мағлуб ҳис этади. Мазкур психологик ҳолат «Бобурнома»да у ёки бу маънода ёрқин ифодасини топади.

Хуллас, ушбу фаслда Бобур шахсияти мисолида, бир тарихий шахснинг тақдирида маълум даврда содир бўладиган ғолиблик ва мағлублик каби рухий-психологик жараён қандай бир-бири билан ўрин алмашиб туриши, бу ҳолат ўша давр сиёсий-ижтимоий шароитида жамиятнинг барча аъзолари, айниқса султонлар, бек ва аёнлар, йирик саркардаларга ҳам хос ҳолат эканлиги таҳлилга тортилиб, мисоллар орқали асосланди.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Асарда давр ҳукмдорлари руҳиятида музаффарият ва мағлубият кайфияти тасвири**»деб номланган. Ушбу бобда «Бобурнома» асарида тарихий ҳукмдорлар сиймосида ғолиб ва мағлуб шахс рухий-психологик ҳолатининг муаллиф томонидан бадиий тасвирланиши масаласи тадқиқ этилган. «Бобурнома»даги бу каби тасвирлар «Тарихи Рашидий» ва «Ҳабибус-сияр» асарлари билан қиёсий-типологик жиҳатдан ўрганилган.

Бобнинг биринчи фасли «Шайбонийхоннинг музаффарияти ва таназзули Бобур талқинида» деб номланади. «Бобурнома»да муаллиф томонидан энг кўп тилга олинган тарихий шахслардан бири Шайбонийхондир. Бобур Шайбонийхон фаолиятига объектив баҳо берар экан, уни ўша давр тарихий шароитига кўра сиёсат майдонида кириб келганини, темурийлар салтанатининг таназзулига сабабчи бўлган душман эканлигини таъкидлайди. Лашкарбоши сифатида ўз мавқеини тиклаб олмасданок темурий шахзодаларни бирлашишни, бу хавфли душмандан эртароқ қутилиш лозимлигини ўз вақтида англаб этади: «Хожа Абулмакоримнинг тавассути билди бу сўзни ораға солдимким, Шайбоқхондек ғаним пайдо бўлубтур, мунинг зарари туркка ва мўғулға мусовидур. Мунинг фикрини ҳололиқтаким, улусни ҳануз яхши босмайдур ва кўп улғаймайдур, қилмоқлик вожибдур»¹.

«Бобурнома» тасвирларидан Шайбонийхоннинг дастлабки музаффариятини англаш мумкин. Ваҳоланки, Бобур бундан олдинроқ «Бу қишлоқта ишимиз бисёр тараққийда эди (яъни биз ғолиб эдик – И.С.), Шайбоқхоннинг иши таназзулда эди» (яъни – мағлуб эди И.С) дея таъкидлаганди. Ана шундай бир пайтда «Бу аснода бир-икки иш ярамасроқ бўлди. Марвдин келиб Қоракўлни олғонлар тўхтата олмадилар (Шайбонийхон лашкарларини – И.С.). Қоракўл яна ўзбаклар тасарруфиға кирди. Қалъайи Дабусида Иброҳим тархоннинг Аҳмад тархон отлиқ иниси эди. Шайбоқхон келиб қабади. Биз черик йиғиб истиъдод тайёр қилғунча, зўрлаб олди. Элни тамом қатли ом қилди»². Шайбонийхон томонидан Ҳиротнинг босиб олиниши Ҳусайн Бойқаро султонлигидаги энг қора кун, бу

¹Захириддин Мухаммад Бобур. Бобурнома. Нашрга тайёрловчи С.Ҳасанов. Тошкент. Шарқ. 2002. – Б. 90.

²Захириддин Мухаммад Бобур. Бобурнома. Тошкент: Шарқ, 2002. – Б. 82.

шунчаки мағлублик эмас, темурийлар салтанатининг батамом инқирози, Мовароуннахр ва Хуросонда унинг амал қилиши якунидаги фожиага айланган ҳодиса эди. Шу кундан бошлаб Шайбонийхон томонидан Мовароуннахр ва Хуросонда янги салтанатга асос солинди. Бобур Ҳусайн Бойқаро хонадонига Шайбонийхон солган кулфатлар, аёллари учун иснод тариқида қилган ҳақоратомуз ҳаракатлари, сарой бегимлари ва маликаларини олиб беклари ва лашкарларига никоҳ қилиб, гоҳида никоҳсиз тақдим қилиши каби ваҳшиёна, ақл бовар қилмас, ножойиз ҳаракатларини тасвирлар экан унинг маънавий қиёфасини очиб беради. Бу билан гарчи Шайбонийхон суратан ғолиб бўлса ҳам, сийратан мағлуб эканлигини таъкидлайди.

Бобнинг иккинчи фаслида «Ҳусайн Бойқаронинг ғолиблик ва мағлублик рухий ҳолати тасвири» таҳлил этилди. Тадқиқ этилаётган давр тарихида ўзининг ҳарбий қудрати, ҳукмронлик мавқеи, маданий ва адабий муҳит яратувчиси ҳамда илмий ва ижодий салоҳияти билан алоҳида ўрин тутадиган темурийлар сулоласининг вакили, шубҳасиз, Ҳусайн Бойқаро эди. У Хуросон ҳукмдори сифатида мамлакат ободлиги, илм-фан, маданият ва адабиёт ривожига улкан ҳисса қўшган маърифатпарвар шох, шунингдек истеъдодли шоир сифатида ҳам ўзидан муносиб ном қолдирди. «Бобурнома»да муаллифнинг Ҳусайн Бойқаро ҳақида келтирган маълумотлари Шайбонийхон ҳақидаги қарашларидан жиддий фарқ қилади. Бобур Шайбонийхонни бир марта жанг майдонида юзма-юз кўрган. У билан бир замон ва маконда яшаб, Мовароуннахр ҳамда Хуросон ҳудудидаги жангларда ғойибона учрашган, ўзаро курашлар олиб борган, унинг феъли атори ҳақида ўз даврининг бек-аъёнлари ва лашкарларидан эшитган. Аммо Бобур Ҳусайн Бойқаро билан бирор марта ҳам юзма-юз учрашмаган. У ҳақидаги маълумотларни кимдандир эшитган, суриштириб билган ёки бирор манба асосида баён этган. Умуман, муаллифнинг бу шахс ҳақидаги фикрлари темурийлар салтанатида Ҳусайн Бойқаронинг тутган ўрни, унинг давлатчилиги ва сиёсат юритиши бўйича маълумотлар Бобурнинг шахсий мулоҳазаларидек таассурот уйғотади. «Бобурнома»да 1496-1497 йиллар воқеаларидан бошлаб Султон Ҳусайн Бойқаронинг номи тез-тез учрай бошлайди. Айнан шу вақтга келиб Ҳусайн Бойқаронинг ўғли Бадиъуззамон мирзо ва бошқа фарзандлари билан тож-тахт учун кураш жиддийлашиб боради. Бу даврда Ҳирот салтанатида шахзодаларнинг Ҳусайн Бойқаро амрига итоат этмаслик, салтанатга қарши ошқора курашиш ҳолатлари содир бўладики, бу жараёнлар хусусида Бобур: «Охир оталиқ, ўғуллук орасида бу гуфтугўйлар анга мунжар бўлдуким, отаси отасининг устига ва ўғли ўғлининг устига Балх ва Астрободқа черик торттилар»¹, - деб ёзади. Бобур Ҳусайн Бойқаронинг ҳукмронлик даври, шахсияти ҳақида фикр юритар экан, шунча йил умрини ғолибликда кечирган Хуросон султонининг ҳам ғолиб ва сурурли дамларини, ҳам нобоп ўғиллари туфайли фожиали фурсатларини тасвирлаб беради. Бобур темурий шахзодалар, хусусан, Ҳусайн Бойқаро

¹Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Тошкент: Шарқ, 2002. – Б. 57.

ўғилларининг хислати ва характери ҳақида фикр юритар экан, ҳар бир давр учун ножоиз бўлган маиший бузуклик, майпарастликни қоралайди.

Бобур ўз асари муқаддимасида «ҳар қандай вазиятда ҳам фақат рост гапни айтиш» кераклигини таъкидлайди. Бу ҳолат Ҳусайн Бойқаро шахсияти тасвири таҳлилида яна бир бор намоён бўлди. Бобур бу сиймо ҳақида фикр юритар экан, ўзининг тасвирлаш услубидан чекинмаган ҳолда ҳар қандай воқеликни, фактни фақат рўйи рост ифода этади. Чунки бу Бобурнинг қалб амри, мустаҳкам эътиқоди ҳосиласидир.

Бобнинг «Жаҳонгир мирзо сиймосида ғолиблик ва мағлублик кечинмаси» деб номланган учинчи фаслида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаётий фаолияти, ҳарбий юришлари ва давлатчилик сиёсатида муҳим ўрин тутган тарихий шахслардан бири унинг укаси (ўғай) – Жаҳонгир мирзо шахсияти, ҳаёти ва фаолияти масаласи ёритиб берилган. Маълумки, Бобур билан укаси Жаҳонгир мирзо орасига нифоқ соладиганлар, уларни бир-бирига яқинлаштирмаслик, имкони борича айириш ва бу билан Бобурнинг ҳарбий салоҳиятига, темурийлар салтанатини қайтадан тиклашига халақит бериш эди. Маълумки, Самарқандга бирор моддий ва ҳарбий кўмак берилмагани боис, Бобур бу шаҳарни ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлади, Самарқанддан ноумид бўлган Бобур Хон додалари ёрдамига ишониб, ҳеч бўлмаса Андижон умидида у ерга боради, афсуски унинг нияти амалга ошмайди. Чунки, Бобурга ашаддий рақиб бўлган Аҳмад Танбал, унинг гумашталари Узун Ҳасан ва бошқалар Андижонни Жаҳонгир мирзога олиб беришни мақсад қиладилар. Ночор қолган Бобур хон-додалари билан ўғай укаси Жаҳонгир мирзо орасида чорасиз қолади: «Бу фитналарни ангиз қилғучи, мундин қочиб борғонларни ёмонлиққа тез қилғучи худ Узун Ҳасан ҳаромнамак экандур. Борчаси Султон Аҳмад Танбал борғон била зоҳир ва ошқоро ёмонлиқ мақомида бўлдилар»¹. Бобур ушбу мағлублик ҳолатини реал тарзда баён этмоқда. Бобур Самарқанд қамалидан кейин у ерни ташлаб чиққач, унга ҳайрихоҳ бўлган беклар ва сарбозларнинг кўпчилиги Аҳмад Танбал томонга ўтган, ҳатто хон додалари ҳам аввал унга умид билдириб, сўнг хиёнат қила бошлайди. Худди шу пайтда улар Андижон тахтига Жаҳонгир Мирзони чиқариш пайига тушадилар.

Жаҳонгир мирзо шахсияти, ўша давр тарихий воқеаларига муносабати, унинг давлатчиликда тутган ўрни каби масалаларга эътибор қаратилди. Ушбу ўта сертахлика даврда шахс руҳиятида юз берадиган ўзгаришлар, ғолибият ва мағлубият ҳолати бир зумда ўрин алмашиниб туриши каби масалалар Жаҳонгир мирзо тасвири мисолида кўриб чиқилди. Буларнинг Бобур ҳаётий фаолиятида, тақдирида қанчалик рол ўйнаганимисоллар орқали очиб берилди. Бу мураккаб даврда шахснинг руҳиятида содир бўладиган ўзгаришлар, зафар ва мағлублик кайфияти бир-бири билан алмишиниб туриш ҳолатлари ҳам таҳлил этилди. Жумладан, жанг майдонидаги ҳукмдор, саркарда руҳиятида бўладиган ўзгаришлар (ғолиблик, мағлублик ҳолатлари) бевосита бутун қўшин руҳиятига ҳам таъсир кўрсатиши бу тарихий шахслар

¹Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Тошкент: Шарқ, 2002. – Б. 62.

тасвири орқали аниқланди. Ушбу ҳукмдорлар шахсиятини ёритиб беришда «Бобурнома» билан деярли бир даврда яратилган Муҳаммад Ҳайдарнинг «Тарихи Рашидий», Хондамирнинг «Ҳабибус-сияр» каби асарларига ҳам ўрни билан мурожаат қилинди. Ҳар бир муаллифнинг тарихни тўлиқ ёритишга воқеликни реал тасвирлашда ўзига хос услублардан фойдалангани қиёсий таҳлилларда кўрсатиб берилди.

Диссертациянинг учинчи боби «**Тарихий жараёнда бек ва аёнлар руҳияти талқини**» масаласини тадқиқ этишга қаратилган бўлиб, биринчи фаслда «Хусравшоҳ тасвиридаги ҳолат ва руҳият таҳлили» ҳақида фикр юритилган. Бобурнинг фикрича, давлат таянчи ва унинг интизом билан бошқарилиши салтанат мустаҳкамлигининг асосидир. У Хусравшоҳ ҳақида сўз юритир экан, бу бекнинг хислатларини қоралайди, уни темурийлар хонадонининг душмани сифатида баҳолайди. Бобур Ҳусайн Бойқаро сиёсатини танқид қилиб, Хусравшоҳга жуда катта эътибор ва нуфуз берганлиги, бу эса Хуросон давлатининг инқирозига сабаб бўлишини оддий мисол билан исботлаб: «Баъзи кўтахандишлар худ барин эдиларким, учала подшоҳзодани ўлтуруб, Хисравшоҳ отиға хутба ўқутғайлар»¹, - дейди.

Бобур Хусравшоҳнинг муваққат ғолиблигининг асл моҳиятини таҳлил этиб, унга алоҳида баҳо беради. Бу тарихий баҳо заминида Амир Темур салтанатининг ворислари бўлган Ҳусайн Бойқаро ва унинг салтанатига мансуб бўлган темурий шахзодалар, нуфузли бекларининг ҳаракати ва кўрқоқлиги боис Хусравшоҳнинг тарих майдонига келиши объектив тарзда асослаб берилган. Бу эса Бобурнинг тарихий воқеаларнинг чинакам одил эксперти сифатида кўз ўнгимизда гавдалантиради. Бу ҳолатни тасвирлашда Бобур ўзининг бир байтини келтирадики, бу байт унинг ушбу дамдаги кайфиятини, руҳий ҳолатини, изтиробини янада яққол очиб беради:

Ким кўрубтур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиқ,
Кимки андин яхши йўқ, кўз тутма ондин яхшилиқ².

«Бобурнома»да келтирилган кўпгина далилларда Бобур Хусравшоҳнинг қилмишларини кузатиш билан бир қаторда, XVI асрнинг биринчи чорагида бўлиб ўтган тарихий, сиёсий, ижтимоий муҳит ҳақида ҳам маълум хулосаларга келинди. Бу эса ўша даврнинг сиёсий, ижтимоий ва тарихий аҳволи қай даражада экани ҳақидаги масалаларни ойдинлаштиради ва темурийлар салтанатини хусравшоҳлар таназзулга олиб келган, деган қатъий қарорга келиш мумкин. Хусравшоҳ шахсияти, унинг ўша даврда тутган мавқеи, ахлоқи ва давлатчиликка муносабати ҳақида ҳам тегишли илмий хулосалар чиқариш имконини берди.

Иккинчи фасли «Айрим тарихий шахслар сиймосида масаланинг акс этиши (Шоҳбегим, Қосимбек, Боқи Чағониёнӣ)» тадқиқига бағишланган. Бобурнинг ҳаёти давомида унга нисбатан кўп бор ташвиш келтирган шахслардан бири Бадахшон шоҳи Султон Муҳаммаднинг қизи, Юнусхоннинг хотини Шоҳбегимдир. У давр сиёсий ҳаётида тутган ўрни,

¹Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Тошкент: Шарқ, 2002. – Б. 66.

²Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Тошкент: Шарқ, 2002. – Б. 79.

мартабасидан кўп ҳолларда шахсий манфаати учун фойдаланади. Унинг салтанат тартиб қоидаларига эътиборсиз ва нописанд қаршига, ҳатто Бобурдек подшоҳ ҳам баъзида қарши тура олмаган. Бобур даврининг бу иллатини яхши англаган ҳолда Шохбегим ҳақида сўз юритганда, унинг хислатларини тасвирлашдан олдин наслу насабига алоҳида урғу беради.

«Бобурнома»да Шохбегим ҳақида гап борганда унинг шахсиятига нисбатан мураса билан қарайди, бу билан гўёки у темурийлар хонадони аъзоларига эҳтиром нуқтаи назари билан қараш салтанат тартиби эканлигини билдирмоқчи бўлади. «Бобурнома»нинг бир неча ўринларида бу хил ёндашувни гувоҳи бўлиш мумкинки, бу Бобурнинг темурийлар салтанатига нисбатан муносабат белгисини англатса, яна бир сабаби муаллифнинг баён услуби натижасини ҳам билдиради. Ушбу фаслда Шохбегим шахсияти масаласи «Бобурнома» ва «Тарихи Рашидий» асарларидаги тасвирларни қиёсан ўрганиш орқали таҳлил этилди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг тарихда муносиб ўрин топишида кўпгина мураккаб вазиятларда унга тўғри йўл кўрсатган, мушкул вазиятдан хабардор этиб, халоскор вазифасини бажарган, салтанатда бош маслаҳатчи, вазири аъзам қаторида бўлган Қосимбекунинг энг яқин кишиси эди. Бу тарихий шахс бобурийлар салтанатида анча нуфузли ўрин тутишига қарамасдан, ҳозиргача бобуршунослар томонидан унинг тарихдаги ўрни, Бобурнинг унга бўлган муносабати, темурийлар салтанатидаги мавқеи каби масалалар алоҳида тадқиқ этилмаган. Ваҳоланки, Бобурнинг давлат бошқарувида мушкул ҳолатларга тушиб қолган пайтларида уни қўллаб-қувватлаган, тўғри маслаҳатлар берган, ғалабаларга руҳлантирган Қосимбекдек яқин беги, сафдоши, Ҳумоюнга «бек атка»лик вазифасида бўлган шахснинг ҳаётини фаолияти батафсил ўрганилмаган. «Бобурнома»да Қосимбек ҳақида анча ижобий маълумотлар келтирилади (Қаранг¹). Унда Бобур Қосимбекнинг асосан беклик хизматларига аҳамият қаратади, унинг ғолиблик ва мағлублигини, жангларда қўлга киритган ютуқларини санаб ўтади. Аммо унинг тасвирида руҳий ҳолатлар, табиатида бир дамда ўзгариш содир бўлиши ҳолатларига Бобур унчалик эътибор қаратмайди. Бобур уни тасвирлашда, энг аввалло, муносиб беклиги, кураш майдонларида фидойилик кўрсатганини ифодалаш билан чекланиб, ортиқча тафсилотларга берилмайди. Бу ўринда Бобур Беклар беги ҳисобланган Қосимбекнинг хислатларини батафсил тасвирлашни унчалик муносиб кўрмайди. Унинг фақат жанг майдонидаги сифатларинигина баён этади: «Қадимий Андижоннинг қўшин бекларидан эди», «Охир умригача ихтиёр ва эътибори ортти, ўксумоди», «Мардона киши эди», «Туркман ҳазорасини Дарайи Хушда чопқонда Қосимбек бовужуди қарилқ йигитлардин яхшироқ юруган жиҳатидин Бангиш вилоятини жулду бердим» каби жумлалар Бобурнинг Қосимбекка бўлган эҳтиромини кўрсатса, айти пайтда бу иборалар унинг мардоналиги, Бобуршоҳнинг ҳурматини ўрнига қўйгани, содиқ беги эканлигидан далолат беради.

¹ Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Тошкент: Шарқ, 2002. – Б. 41.

Бобур Боқи Чағониёний ҳақидаги тасвирларни беришда бадиий тасвир воситаларидан моҳирона фойдаланганини кўриш мумкин. Масалан, «Агарчи андин хизматиким, шойишта бўлғай ва инсониятиким бойишта бўлғай, ҳаргиз зухурға келмади, балки анвойи беадаблиқлар ва ёмонлиқлар андин воқий бўлди»¹ жумлаларида саъж қўлланилган бўлса, унинг салбий хислатларини тасвирлашда тазоддан фойдаланади: «балки анвойи беадаблиқлар ва ёмонлиқлар андин воқий бўлди». Унинг салбий жиҳатларини кетма кет санаб ўтади: «хасис ва зумухт ва ҳасуд ва бадандарун ва нотавонбин ва кажхулқ киши эди, хиссати бу мартабада эдиким, Тирмизни солиб кўч ва моли била ким бизга кўшилди ўзининг хосса қўйи шоядким ўттиз-қирқ минг бўлғай эди, ҳар юртта бизнинг олимиздин ўтар эди, бизнинг йигит-яланг очлиқдин азоб тортар эдилар, бир қўй бермади». Боқи Чағониёний Бобур салтанатида шунчалик имкониятга, мол-мулкка эга киши бир лаҳзада акаси Хусравшоҳ сингари мағлуб бўлиб, бойлиги, мол-ҳолини олиб Ҳиндистон сари кетишига мажбур бўлади. Унинг юртдан қувғин ҳолатда чиқиб кетиши – мағлубликни бўйнига олиб бадарға бўлишига ўзининг қилмиши, касри нафси сабаб бўлади. Бобурнинг ҳамияти, мардлиги боис Боқи Чағониёнийнинг на молига, на бойлигига, аҳли оиласи ва аҳли ҳарамига дахил қилинмайди. «Бобурнома»да муаллиф ҳаёти давомида кишиларга фақат зулм ўтказган, давлатга хиёнат қилган, мунофиқ кишиларнинг тақдири қандай яқун топишини, ундай шахсларнинг маънавий мағлублигини Боқи Чағониёний шахсияти мисолида яққол кўрсатиб берган.

Тўртинчи боб «**Бобурнома**»да **этиқодий қарашлар ва курашлар талқини**»тадқиқига бағишланган. Бобнинг биринчи фаслида «Бобурнома»да руҳоният кишилари тасвири (тасаввуф арбоблари, шайхлар, уламолар)нинг Бобур ҳаётий фаолиятида тутган ўрни масаласи ёритиб берилган. XV аср охири XVI асрнинг бошларида Мовароуннаҳр ва Хуросонда жуда ҳам жиддий ва таҳликали вазият юзага келган эди. Бунинг сабаби темурий шаҳзодалар ўртасида тож-тахт учун ўзаро кураш, амиру бекларнинг ички низолари, Мовароуннаҳрда Шайбонийхоннинг, Хуросонда сафавийларнинг мавқеи ошиб, ўзаро курашларининг авж олганлиги эди. Буларнинг барчаси темурийлар салтанатига таҳдид солиши, сиёсий ҳаётда эса парокандаликни келтириб чиқариши, табиий эди. Бу тартибсизликлар ичида қатъий тартиб ўрнатиш учун адолат ва қонун устуворлигини таъминловчи, парокандаликни тартибга солувчи бир ҳаракат лозим эди. Худди шу даврда Мовароуннаҳр ва Хуросонда Баҳоуддин Нақшбанд асослаган Хожагон тариқатининг нақшбандия сулуки жамиятнинг маънавий ҳаётида жуда катта таъсир кучига эга бўлиб майдонга чиқади. Бу жиҳатдан Хожа Убайдуллоҳ – Хожа Аҳрори Вали фаолияти алоҳида мавқеига эга эди.

Нақшбандия тариқатининг асосини ташкил этувчи «дил ба ёру даст ба кор» (кўнгилда ёру қўл ишда) шиори инсон ўзини ўзи англаб етиши, истеъдодини намоён эта олиши, ички интеллектуал имкониятларини яратувчанлик, бунёдкорликка йўналтириши керак эди. Шу омиллар сабаб бу

¹Заҳириддин Мухаммад Бобур. Бобурнома. Тошкент: Шарқ, 2002.– Б. 125.

даврда адабиёт, маданият, санъат, илм-фан, хунармандчилик анча тараққий этди, жамиятда хурфикрлилик ҳукм сурди. Зотан, «тасаввуф мусулмон Шарқи мамлакатлари ижтимоий ва маънавий ҳаётига чуқур кириб борди; фан, маданият ва адабиёт ривожига катта ижобий таъсир кўрсатди. XI асрдан бошлаб Шарқнинг деярли барча нуфузли шоир ва ёзувчилари, мутафаккир олимлари тасаввуфдан озиқланиб, унинг инсонпарварлик ва ҳақсеварлик ғояларидан руҳланганлар»¹. Заҳириддин Муҳаммад Бобур фаолиятида ҳам нақшбандия тариқати ва унинг вакиллари таъсири жуда катта бўлди. Унинг ҳокимият ишларида, давлат қурилишида, рақиблари билан бўлган курашларида, маънавий ҳаётида, ҳатто шахсий ҳаётида ҳам бу таъсирни кўришимиз мумкин. Бобур «Бобурнома»нинг жуда кўп ўринларида нақшбандия тариқати вакиллари, шайхлар ва уламолар ҳақида тўхталиб, уларнинг ўз ҳаётий фаолиятига алоқадорлик жиҳатларига урғу беради. Жумладан, «Бобурнома»да тасвирланган Хожа Аҳрори Вали, Хожа Яҳё, Хожа Яъқуб, Махдуми Аъзам Косоний Даҳбедий, Мавлоноий Қози Абдуллоҳ, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий кабиларни бевосита ўзининг устозлари, тарбиячилари сифатида эътироф этса, Имом Бухорий, Шайх Мотуридий, Шайх Ҳожи Муҳаммад Хабушоний, Шайх Бурхониддин Қилич кабиларни маънавий пирлари сифатида тилга олади. Бобур давлат бошқарувида уларнинг шаръий йўл йўриқларидан оқилона фойдаланса, жанг ва курашларда ўзига ғолиблик муяссар бўлиши учун уларнинг маънавий мададидан, қўллаб-қувватлашидан умид қилади.

Маълумки, Заҳириддин Муҳаммад Бобур қисқа умри давомида давлатмандлик, ҳукмдорлик фаолиятида, ижодий фаолиятида жуда катта ишларни амалга оширди. Бобурнинг давлат ишларини бошқаришида, ҳокимиятни мустаҳкамлашида, ҳарбий соҳада ва бошқаларда унга устозлик қилган, тўғри маслаҳатлар, йўл-йўруқлар кўрсатиб турган содиқ, ишончли кишилар кўмаги катта бўлган. Бобурнинг кўплаб жангларда ғолиб бўлишига, “вилоят олмоғида”, “мамлакат сақламоғида” ва буюк империя тузмоғида бу сиймоларнинг ҳам ҳиссаси борлигини ўзи кўп бор таъкидлайди. Бобурнинг эътиқоди шаклланишида, мустаҳкам ирода ва қатъиятли бўлиб етишишида у камолга етган оилавий муҳит, болаликдаги тарбиячилари, пиру устозларининг хизмати бекиёс бўлган. У кўплаб фозил уламолардан таълим-тарбия олиб, араб ва форс тилларини мукаммал ўрганди. Шунинг натижасида у эътиқодли, сабр матонатли, раҳм шафқатли шахс бўлиб етишди. Унинг маънавий ғолиблигини таъминлашда бу жиҳатлар алоҳида аҳамият касб этади. Бобурнинг жанглардаги курашларда ғолибликка эришишида, баъзида ғурури ва нафси аммора устидан мутлақ маънавий ғолибликка етишида ҳам ўзи эътиқод қўйган бу таълимот ғоялари ва унинг улуғ пешволари мадади бениҳоя катта бўлди.

«Ғолиблик ва мағлублик тушунчасининг эътиқод нуқтаи назаридан баҳоланиши» деб номланган иккинчи фаслда Бобур эътиқодий қарашларидаги ғолиблик ва мағлублик масаласи тадқиқ

¹Комилов Н. Тасаввуф. Т.: Мовароуннахр, 2009. – Б. 4.

этилди.«Бобурнома»да 1501 йил воқеалари баёнида ёш, тажрибасиз Бобурнинг Самарқандни қўлга киритиш йўлидаги қийинчиликлар, машаққатлар ва қаттиқ қаршиликларга дуч келишини кўрамиз. Шундай вазиятда бўлажак жанг олдидан у тушида Хожа Аҳрор Валини кўради, пири унга маслаҳат беради, унга марҳамат кўрсатиб кўлидан тутиб кўтаради. Бу воқеадан кўп ўтмасдан у Самарқандни қайтадан қўлга киритади: «Ушбу уйнинг долонида ўнг кўлумдин ё сўл кўлумдин тутуб андоқ кўтардиларким, бир оёғим ердин кўпти. Туркий дедиларким, Шайх маслаҳат берди. Ушул неча кунда-ўқ Самарқандни олдим»¹. Бу туш тасвиридан шуни англаш мумкинки, бунда пир ва муридлик масаласи, Бобурнинг тасаввуф шайхларига бўлган муносабати ва асосийси, унинг илоҳий қудратга қатъий ишончи сезилади. У ўзига ғолиблик ҳолати муяссар бўлишида ана шу ишонч эътиқодлари ҳам сабаб, деб билади. Бобурнинг улуғ шайхлар, пиру устозларига бўлган муносабати, унинг қийин вазиятларида уларнинг ҳам зоҳиран, ҳам маънан қўллаб қувватлаб туриши билан боғлиқ ҳолатларга «Бобурнома»да кўп дуч келиш мумкин. Бу улуғ сиймоларнинг Бобур тақдирида муҳим ўрин тутгани, унинг ғолиблик даражасига эришишида уларнинг ҳам ҳиссаси катта бўлганини у алоҳида эътибор билан таъкидлайди. Бобур Ҳиндистонни фатҳ этганидан сўнг, 1527 йилда у ердаги энг катта рожалардан бўлган Рона Санго билан жанг қилади. У ўша жангдан олдин ўзининг пири деб билган Шайх Муҳаммад Хабушонийдан ғойибона мадад сўраб, у совға қилган ҳассасини жойномоз олдига қўйиб намоз ўқийди, бўлажак жангда ғолиб бўлишини сўраб пиридан маънавий кўмак тилайди ва Бобур бу жангда ғалабага эришди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур мукамал эътиқод кишиси бўлганлиги учун жанглардаги ғолиблигини таъминловчи омиллар сифатида, аввало, Ҳақ таолонинг ҳукми ва тақдири, кейин эса ўзининг саъй-ҳаракати ва қатъиятида деб билади. Шу билан бирга, у мағлубликка маҳкум этувчи иллатлар сифатида ички низолар, ўзаро бошбошдоқликлар ва қатъий тартиб интизомнинг мавжуд эмаслигида, деб тушунади. Энг асосий иллат сифатида эса, нафсга эрк бериш, унинг қулига айланиш инсонни ҳам зоҳиран, ҳам ботинан мағлубиятга дучор қиладиган жиҳатлардан эканини яхши англайди. У Ҳиндистонни қўлга киритганидан сўнг бу ерда қилиниши лозим бўлган ишларнинг кўп эканини тушунади; биринчидан, ҳали ўзларича мустақил бўлган рожаликларни бирлаштириш, иккинчидан мамлакатда бунёдкорлик, ободонлаштириш ишларини йўлга қўйиш керак эди. «Ана шундай кечиктириб бўлмайдиган ишлар турганда ғолиблар ғалабадан маст бўлсалар, ишрат чоғиридан ичиб, бадмастлик қилсалар, ярашадими? Ўйлаган режаларни амалга ошириш мумкин бўладими? Аксинча, мағлубиятга мубтало бўлиб қолмайдиларми?»². Бобур элнинг подшоҳи, раият учун идеал шахс, ҳар жабҳада шоҳ халққа ўрнак, намуна бўлмоғи лозим. «Чунки шоҳ – ижтимоий шахс, унинг сифати, ёки нуқси, камчилиги бутун жамиятга таъсир

¹Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Тошкент: Шарқ, 2002.– Б. 79.

²Қаюмов А. Асарлар. 10 жилдлик. 5-жилд. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодиёти. Т.: Мумтоз сўз, 2009. – Б. 246.

қилади»¹. Буни яхши ҳис этган Бобур шундай қатъий қарорга келади. У майпарастиликка ортиқча бино кўйиш қандай оқибатларга олиб келишини Хусайн Бойқаро ва унинг ўғиллари мисолида яхши биларди. Эътиқоди мустаҳкам, қатъиятли шахсининг бу қадар майпарастиликка кўнгил кўйишига нима сабаб бўлди, деган савол туғилиши табиий. Бобур ҳаётнинг қанча машаққатларини сабр билан енгди, қанча хиёнатларни кечиришда ўзида куч топа олди, қанча мағлубиятларда букилмаган иродаси нахотки, бу нафсини енгилга келганда ожизлик қилса? У йўқлик ёки тўқликдан эмас, балки ҳаётдан зериккан, бекор қолган вақтларидагина ўрганган кўнглига қарши боролмасди. Шиддатли курашларда, қизғин ижод билан машғул онларида бу балога яқин ҳам келмасди, ҳаёлига ҳам келтирмасди. Қанчалик қийин бўлмасин бу одатни тарк этишда ҳам намуна кўрсатади, сабр матонати, мустаҳкам иродаси ва соф иймони билан нафсини енгади, ундан ғолиб келади. Бизнингча, Бобур бу қарори билан нақшбандия тариқатига расман кириши учун ўзини ҳам зоҳиран, ҳам ботинан поклашни, ҳам жисмонан, ҳам рухан тайёргарлик кўришни мақсад қилган. Сирасини айтганда, «Бобур бошқа бандаи мўминлардан фарқли ўлароқ, вужудидаги шу ожизликка қарши жанг эълон қилади ва бу жангда ҳам ғолиб чиқади! Ҳазрат Навоий айтганларидек, тўқайдаги йўлбарсни енгган кимса баҳодир эмас, балки ўз нафсини енгган кимса баҳодирдир»².

Бобур эришган муваффақиятларида, қўлга киритган ғалабаларида у эътиқод кўйган пиру устозлари, руҳоният вакиллариининг ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб қувватлаши катта рол ўйнади. У мушкул ҳолатларида, чорасиз қолган дамларида шу пир-муршидларидан маънавий мадад сўради, уларнинг руҳларидан умид тилади. Бобур илоҳий қудратга ишонадиган ва бу қудратнинг мададидан кўп бора баҳраманд бўлган мукамал эътиқод кишиси эди. Унинг эришган зоҳирий ва ботиний ғолибиятида ҳам мана шу руҳоният вакиллариининг, илоҳий қудратнинг ўрни жуда катта бўлди. Буни Бобурнинг ўзи ҳам кўп бор таъкидларди, қўлга киритилган ҳар бир муваффақиятини, аввало, Оллоҳ таолонинг беқиёс марҳаматидан деб биларди.

Диссертациянинг бешинчи «**Тарихийлик ва бадий талқин масаласи**» номли бобида «Бобурнома» материаллари асосида ўзбек ҳамда жаҳон адабиётида яратилган бадий, илмий, публицистик асарларда кўйилаётган масала илмий нуқтаи назардан тадқиқ этилди.

Маълумки, «Бобурнома» қомусий асар сифатида соҳалараро муҳим таянч манба бўлиши билан бирга, у бадий, илмий, публицистик асарлар учун ҳам қимматли тарихий фактлар берувчи нодир асар саналади. Бу асардаги тарихий фактлар асосида ўзбек ва жаҳон адабиётшунослигида бир қатор бадий, илмий, публицистик асарлар яратилди.

Бобнинг биринчи фасли «Бобурнома» асосида яратилган асарларда масаланинг ўрганилиши» (П.Қодиров, Х.Султонов, С.Саййид ижоди мисолида) деб номланган. П.Қодировнинг ёзувчи сифатидаги маҳорати

¹Муҳиддинов М. Комил инсон – адабиёт идеали. Т.: Маънавият, 2005. – Б. 118.

²Норматов У. Мафтункор ишқ муждалари («Бобурийнома»нинг қайта мутолааси чоғидаги ўйлар). Хайридин Султон. Бобурийнома. Тошкент: Маънавият, 2019. – Б. 462.

шундаки, у «Бобурнома»даги диққатга молик сюжет ва лаҳзаларни инобатга олган ҳолда, Бобур шахсиятига оид барча маълумотларни асос қилиб, уларни бадиият тили воситасида ифодалаган. Асардаги ҳар бир воқеага даврнинг мураккаб тарихий вазиятидаги фактик далилларни ўз дунёқараши орқали бадиий тарзда маҳорат билан тасвирлаган, Бобурнинг ушалмаган орзулари, армонларини бадиий тўқима образлар воситасида акс эттирган. Чунки, «... бадиий асарларида одамнинг ғам-қайғуси, шодлиги, ичкиши, ўқиниши, ўпкалаши, ички безовталигу хотиржамликни – умуман руҳий ҳолатларни тасвирига иштиёқманд ижодкорларда руҳият таҳлили ва тасвирига мурожаат давом этаверади»¹. П.Қодировнинг «Юлдузли тунлар» (Бобур) романидаги фактик маълумотларга мурожаат қилганда муаллифички нутқига кўп гувоҳ бўлиш мумкин. Бунда ёзувчи матндаги сюжетдан айри ҳолда ўзининг ички нутқи орқали Бобурнинг дунёқараши, тарихий шахсларга, давр ижтимоий-сиёсий ҳолатига бўлган муносабатини билдиришда Бобур образи тилидан изоҳ беради. Унинг адиб сифатидаги бадиий маҳорати яна шунда кўринадики, у романидаги Бобур образи тасвирларини ўқувчига етказар экан, энг аввало, унинг шахсиятига бўлган самимияти орқали бадиий образига сайқал беради. «Бобурнома»да билдирилган фикрлар асосида ўз қарашларини баён этади, бу бадиий талқин тарихий ҳақиқатга мос тушади ва ўқувчи бундай бадиийлашган парчаларни борича қабул қилади: «У (яъни Бобур – С.И.) чагаракларга қарши чопқин бўлганида ҳам, Аҳмад Танбалга инъом қилган қиличи охири ўз бошига келиб тушганини ҳам, ҳатто ялангоёқ юрганидан оёқлари тоғу тошни сезмайдиган бўлиб кетганида ҳам содда, равон, ҳақгўй тил билан ёзгани сари қалбини шеър ёзгани каби жўшқин бир илҳом чулғаб олди...»². Романда юқоридагидек лирик чекинишлар муаллифнинг Бобур ҳақидаги қарашларини ифода этиб келган. Бундай ҳолатни «Бобурнома»да муаллиф томонидан билдирилган фикрларда ҳам кузатиш мумкин. Академик А.Қаюмов Бобурдаги бундай ҳолатни «ички нутқ» деб атаган, романда эса муаллиф буни Бобур тилидан келтиради. Юқоридаги мисол тариқасида келтирилган парчалар «Бобурнома»нинг кўпгина жойларида фахрия тарзида берилади ва бу парчалар ҳақиқатда Бобурнинг реал ҳаётдаги хулосалари, ички нутқ бўлиб, П.Қодиров ҳам романда ундан самарали фойдаланган.

Хайриддин Султоннинг услуби, баён тарзи, тарихий факт ва тарихий ҳақиқатга ҳам адиб ва ҳам олим нуқтаи назаридан ёндашганида намоён бўлади. Унинг «Бобурийнома», «Бобур тушлари», «Тавба» каби асарлари учун «Бобурнома» манба бўлиб хизмат қилган. Муаллифбу материаллар асосида бадиий асар яратиш жараёнида тарихий фактлардан ўринли ва унумли фойдаланиб, Бобур шахсияти ва ижодига оид ўзининг муносабатини бадиий сўз воситалари орқали ифодалайди. Бобурнинг мураккаб вазиятлардаги руҳий ҳолатини Х.Султон ўз нуқтаи назаридан келиб чиқиб талқин этади, унинг мустаҳкам иймон кишиси, ҳар қандай мураккаб вазиятда

¹ Каримов Б. Руҳият алифбоси. Адабий-илмий мақолалар. Тошкент.: Фафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018. – Б. 184.

² Қодиров П. Юлдузли тунлар. Бобур. Тошкент: «Шарк», 2018. –Б. 244.

ҳам фақат яратгандан умид тилайдиган Ҳақпарвар зотлигини таъкидлайди. Аслида ҳам Бобур бошидан кечирган ҳар қандай мураккаб, таҳликали ҳолатларда Тангрининг илоҳий қудратига ишонади, ўзининг буюк эътиқодига содиқ қолади.

С.Сайид ўзбек адабиётида дoston яратишнинг янгича йўналишида «Фироқ ва соғинч достони»¹ни яратар экан, бугунги кунда Бобур ижодининг қайси томонларига эътибор қаратиш ҳақида ўқувчига ўрнатқ бўлади. Замонавий адабиётимизда янгилик тарзида юзага келган мазкур дostonни яратишда «Бобурнома» матнидан энг диққатга молик сатрларни танлаб олади, уларнинг баъзиларини эпиграф тарзида келтиради. Танланган матнлардан давр ижтимоий, иқтисодий, тарихий фактларга оид далилларни XXI аср шоири дунёқараши билан Бобур дунёқарашини солиштирган ҳолда тасвирлайди, воқеаларни ривожлантиради. Бобур яшаган давр иштирокчиси, Бобур дунёқарашининг ҳамдами, ҳамдарди сифатида бу дostonини яратади. У Бобур яшаган даврнинг энг муаммоли нуқталарига, тарихий шахсларнинг нозик руҳий ҳолатлари, ғолиб ва мағлуб шахслар психологиясининг Бобур тасвирлаган нозик лаҳзаларини илғаб, ўз фикрларини баён этади. Бу ўз навбатида, тарихий факт ва далиллардан фойдаланган ҳолда бадиий образлар яратиб, уларнинг характерхусусиятида Бобур яратишни истагану, аммо ифода этолмаган ўринларни маҳорат билан тасвирлайди. С.Сайид «Бобурнома»дан иқтибос танлар экан, жуда эҳтиёткорлик билан йўл тутлади. Бобур асарининг туб моҳиятини англаган ҳолда шоир фақат асарни ўзини эмас, балки унинг ижоди, бу шоҳ асар билан боғлиқ ўша даврда яратилган тарихий, адабий эсдаликларни ҳам чуқур ўрганган ҳолда дostonини яратишга муваффақ бўлган. Бу ҳолат «Бобурнома»дан олинган ҳар бир парчада ўз аксини топган, бу парчалар туб моҳияти жиҳатидан Бобурнинг ҳаёти, дунёқараши, асарда кўзда тутилган ҳар бир ғояси ва айтилмай қолган фикрларидек таассурот уйғотади. Баъзан бу фикрларни Бобур айтгандек қабул қилади, унинг мағлублик ҳолати тасвирида Бобур билан биргаликда азият чекади, унинг атрофидаги беклари, давр авъёнлари томонидан кўрсатилган беҳисоб хиёнатларга ачиниш ҳисси пайдо бўлиб, Бобурга ҳамдард бўлади.

Бобурнинг иккинчи фасли «Бобур шахсияти ва адабий эссе имкониятлари» деб номланган. Маълумки, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижодига янгича талқинда, ҳам илмий, ҳам бадиият нуқтаи назаридан мурожаат қилган олим академик Азиз Қаюмов саналади. Бобур таржимаи ҳоли ва ижодини ўрганишда, асарларининг нашр этилишида, уларнинг дунё юзини кўришида, кенг оммага етиб боришида бу олимнинг хизматлари бениҳоядир. Бу ўринда унинг сўнгги йилларда нашр этилган² тадқиқотига мурожаат қилиш мақсадга мувофиқдир. Мазкур тадқиқотни яратишда, муаллиф айтганидек, «Бобурнома»даги тарихий воқеалар ва фактлар асос

¹Сироҷиддин Сайид. «Юз оҳ, Заҳириддин Муҳаммад Бобур...». Тошкент: Ўзбекистон нашриёти, 2011. – Б. 159.

²Қаюмов А. Асарлар. 10-жилдлик, 5-жилд. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодиёти. Тошкент.: Мумтоз сўз. 2009. – Б. 303.

бўлган. А.Қаюмов асарининг «Зафар ва мағлубият» номли қисмида муаллиф айнан юқоридаги услуб – тарихий воқеларни илмий жиҳатдан умумлаштириб, уни бадиий талқин этади. Буилмий умумлаштириш олимга давр воқеа-ҳодисаларини аниқ таҳлил қилиш, уни кези келганда бадиий тасвирлаш орқали мақсадга эришишни таъминлаган. А.Қаюмов Бобурнинг ғолиблик ва мағлублик ҳолатини фақат шарҳ бериш орқали баён этади. «Бобурнома»дан бирор бир иқтибос, парча келтирмайди. Бу услуб муаллифнинг шу асари учун қўллаган баён тарзи, тарихий воқеликни илмий-бадиий талқинда бериш услубидир.

Бешинчи бобнинг учинчи фаслида «Жаҳон адабиётида Бобур шахсиятибадиий талқини» масаласи тадқиқ этилди. Бобур шахсияти ва ҳаётий фаолияти ҳақида маълумот берувчи шундай асарлардан бўлган Румер Годеннинг «Гулбадан»¹, Вильям Рашбрукнинг «Ўн олтинчи аср бунёдкори»² ва Фриц Вюртленинг «Бобур – йўлбарс»³ («Андижон шахзодаси») асарлари мавзу доирасида таҳлилга тортилди. Бу асарларда гарчи асосий тарихий воқелик манбаси «Бобурнома» материаллари бўлса-да, улардан ҳар бир ижодкор ўз илмий-бадиий маҳорати, дунёқариши ва имконияти даражасида фойдаланган. Улар асарларида асосий эътиборни Бобурнинг шахсиятини очиб беришга, унинг ҳукмдорлик фаолияти ва ўзига хос характерини яратишга ҳаракат қилган. Шу боисдан уларда баъзан тарихийликдан узоқлашиш, бадиий тўқимага эътибор бериш, «Бобурнома»да мавжуд бўлмаган фактларни ҳам киритиш ҳоллари кўзга ташланади. Бу албатта, бадиийлик талаби, ҳар қандай бадиий асар бундан холи бўлмайди. Асосийси, ҳар бир ижодкор Бобур образини ўзига хос ва мос тарзда, ўз савиясидан келиб чиққан ҳолда яратган ва бу асарлар ўз илмий-бадиий қимматига эгадир.

Умуман айтганда, ушбу бобда «Бобурнома» асосида яратилган бадиий, эпик ва илмий-бадиий асарлар таҳлили орқали қўйилган масалани тадқиқ этишга ҳаракат қилинди. Бу ўринда муаллифлар ўзларининг дунёқараши, бадиий маҳорати ва тасвирлаш услубидан келиб чиққан ҳолда асарларини яратади. Уларнинг ҳар бири ўзига хослиги билан, бири иккинчисини такрорламаслик, ҳар бир ижодкор ўз овозига эгаллиги билан кўзга ташланади. Улар «Бобурнома»га мурожаат қилар экан, унинг энг характерли, Бобур шахсиятини очиб берувчи, унга бевосита дахлдор бўлган воқеликларга эътибор қаратади. Бирида тарихийликка эътибор нисбатан кучли бўлса, бирида муаллифнинг шахсий мулоҳазалари етакчилик қилади, бошқасида эса лиризм, қаҳрамоннинг ички кечинмаларини ёритиб бериш устунлик қилади.

¹Годен Румер. Гулбадан. Захириддин Мухаммад Бобурнинг қизи малика Гулбадан бегим шахсига чизгилар. – Т.: Шарқ, 2007. – Б. 176.

²Вильям Рашбрук. Ўн олтинчи аср бунёдкори. Инглизчадан Ғофиржон Сатимов ва Холида Сўфиева таржимаси. Тошкент.: Шарқ, 2011. – Б. 207.

³Фриц Вюртле. Андижон шахзодаси («Бобур – йўлбарс»). Саргузашт-қисса. Олмон тилидан Янглиш Эгамова таржимаси. Тошкент.: Ўқитувчи, 2012.

ХУЛОСА

Тадқиқотда амалга оширилган илмий-назарий таҳлиллар натижасида қуйидаги умумий хулосаларга келинди:

1. «Бобурнома»да давр ижтимоий-сиёсий ҳолатининг тасвирланиши тарихий воқеа-ҳодисаларга бевосита гувоҳ ва иштирокчи – Бобурнинг нигоҳлари орқали баён этилади. Муаллиф Шарқ тарихчилигига хос хусусиятларни кўздан қочирмайди. У тарихни ёритишда ўз фалсафий мушоҳадасига эга ижодкор сифатида намоён бўлади. Бобурдавр ва шахсга ўрта асрлар Шарқ тарихчиси ўлароқ назар ташлайди.

2. «Бобурнома»да шахс ботини ва зоҳиридаги ғолиблик ва мағлублик руҳияти теран очиб берилади. Унда сертахлика бир даврда шахснинг руҳий ҳолати, турли оғир дамларда ўзини тута билиши ва ёки аксинча, ҳаракатини бошқара олмаслиги ҳоллари зийраклик билан кузатилади. Бобур ижодида бу мавзунинг ўрганилиши муаллиф дунёқараши, давр ижтимоий сиёсий ҳолатига бўлган қарашларини ойдинлаштиради. Унинг асарда ишлатган жумла, ибора, сўзларини бадиий маҳорат нуктаи назари билан тадқиқ этиш, ғолиб ва мағлуб шахс психологияси орқали давр ижтимоий-сиёсий ҳолатини очиб бериш имкониятини ҳам яратади.

3. Бобур Афғонистон ҳудудида олиб борилган курашлар ва жангларнинг тасвирида ўз бадиий маҳоратини тўлиқ намоён этади. Муаллиф асарининг бу қисмларини жанглاردан чарчаган, осойишта дамларида ёзган кўринади. Бунда Бобурнинг ички олами ҳам, кучга тўлган ва юрт олишга ошиққан дамлари ҳам, дам олиш, ов қилишга жазм этгани ҳам, табиатга мафтун бўлиб, унинг гўзаллиги, ғолибликдан масрур подшоҳнинг кузатишлари ҳам юксак бадиий ифодасини топган. Бобур томонидан ишлатилган ҳар бир сўз, ибора сарбозлар ички оламини очиб беришга, уларнинг руҳиятида содир бўлаётган ўзгаришларни акс эттиришга қаратилади.

4. Бобурнинг Ҳиндистондаги фаолиятида, асосан унинг ғолиблик даври кўзга ташланади. Амир Темур тасарруфига кирган ерларга эгалик қилиш, буюк бобоси салтанатини бор бўй-басти билан қайтадан тиклаш асл мақсади бўлган Бобур, бутун ҳарбий салоҳиятини ана шу мақсадга сарфлайди, бу йўлида тўғаноқ бўлган рақибларига, ҳатто темурий шахзодаларга қарши аёвсиз кураш олиб боришига тўғри келади. Ҳиндистонда Чандерий вилояти учун олиб борилган жангнинг тасвири «Бобурнома»даги энг жонли, реалистик лавҳалардан ҳисобланади. Бу тасвир, энг аввало, ҳинд халқининг ўз Ватанига бўлган муҳаббати, унга содиқлиги, ушбу йўлда ҳеч нарсадан қайтмаслиги каби жиҳатларини юксак бадиият билан тасвирлаб берган.

5. Кузатишлардан маълум бўлдики, Бобурнинг ғолиблиги фақат жанг майдонида эмас, балки ана шу ғолиблик натижаси бўлмиш бунёдкорлик ишларида ҳам намоён бўлади. Буни унинг боғлар яратиш, шулардан завқланишида, ғолиб дамларида табиатнинг гўзаллиги, унинг жозибадор лаҳзаларини сайр қилиб юрганида, атрофдагиларнинг руҳий аҳволи, ички кечинмалари, шодлик ва изтиробларини бадиий тасвирлаганда ҳам кўришимиз мумкин. Бу каби жиҳатларни ҳам ўрганиш, тадқиқ этиш,

Бобурнинг ғолиблик руҳиятини, унинг ички дунёсини, орзуларини ва армонларини англашга, асарнинг умумғояси ва поэтикасини чуқур идрок этишга кўмак беради.

6. «Бобурнома» том маънодаги руҳий, психологик асар. Унда икки мингдан ортиқ тарихий шахслар тасвирининг берилиши, уларнинг руҳий ҳолати, ўзгарувчан ва беқарор сиёсий муҳитда тез «тағйир» топиб, бир руҳий мағлублик ҳолатидан иккинчи - ғолиблик ҳолатига қайтиши ва ҳаял ўтмай яна мағлубликнинг аччиқ аламини тортишига мажбур бўлганлигини кўрсатади. Бундай эпизодларда XVI асрда бўлиб ўтган тарихий воқеалар, тож-тахт учун кураш, шоҳларнинг дунёқараши, мулкка эгаллик қилиш ҳуқуқи, оқибати, фитна-нифоклар теран ва кенг қамровли, тахлилий услубда тасвирланганига гувоҳ бўлинади.

7. Бобур Шайбонийхон шахсиятига объектив баҳо беради, унинг давр сиёсий ҳаётида тутган ўрни, характери, маккор лашкарбоши, атрофдагиларни кўрқувга соладиган шахс сифатидаги умумлашма қиёфасини яратади. Шайбонийхон томонидан Ҳиротни эгалланиши ҳақида тўхталиб, бу воқеани Ҳусайн Бойқаро султонлигининг, темурийлар салтанатининг яқсон бўлиши сифатида баҳолайди. Бу ҳолат маълум даражада Шайбонийхоннинг темурийлар хонадонига, наслига, қолаверса, Мовароуннахр ва Хуросонда маданият, адабиёт, санъатни тараққий этишига катта ҳисса қўшган темурий шахзодаларнинг сабабсиз қурбон этилишига, натижада бу ренесанс тараққиёти маълум даражада пасайишга, таназзулга юз тутишига сабаб бўлганлигини ҳам англатади.

Бобур Шайбонийхоннинг тажрибали саркарда сифатида кўплаб жанглarda ғалабаларга эришган ҳолатларини ҳаққоний тарзда кўрсатиб зоҳиран ғолиблигини таъкидласа-да, унинг маънавий қиёфаси хусусида фикр юритар экан, ботинан мағлублигини асослаб беради.

8. Бобур Ҳусайн Бойқаронинг ҳукмронлик даври, шахсияти ҳақида фикр юритар экан, шунча йил умрини ғолибликда кечирган Хуросон султонининг ҳам ғолиб ва сурурли дамларини, ҳам нобоп ўғиллари туфайли фожиали фурсатларини тасвирлаб беради. Бунда у темурийлар хонадониди кечган зиддиятлар, тож-тахт учун сарф бўлган умрнинг зоеъ кетганлиги, даврнинг қурбонига айланганини мағлуб шахслар сифатида гавдалантиради. Шунингдек, салтанатни юритишда фарзандларининг субутсизлиги, хотини Хадичабегимнинг иғво, таҳдид ва найранглари остида ожиз қолган подшоҳ фарзандлари ҳамда Хуросон аҳли бошига оғир можароларни солган ҳолда вафот этганлигини надомат билан хотирлайди. Бобур талқинида бу ҳолат курашларда ғолиб султоннинг маънавий мағлубияти эканлигига ишора қилади.

9. Бобур моҳир тарихчи сифатида Хусравшоҳ фаолиятига одилонга баҳо беради, унинг темурийлар салтанатида туриб уларга нисбатан кўрсатган найрангу хиёнатларини тасвирлаб беради. У темурий шахзодалар билан ҳарбий тўқнашувларгача бориб етади, бу хонадонга етти ёт душман қилмаган ишларни қилишга ботинганини баён этади. Бунда ғолиб Бобурнинг фахрияси ҳам, Ҳусайн Бойқаро каби Хуросон мулкининг султони йўл қўйган хато ва

камчиликлар ҳам, ўзига нисбатан қилинган хиёнатларни кечиринишда ўзида куч тополган Бобурнинг мардлиги ҳам яққол кўринади. Бобур «гуноҳ қанчалик катта бўлса ҳам, кечириниш савоби ундан ҳам катта» эканини яхши англайди.

10. Шохбегим темурийлар хонадонининг нуфузли вакиласи бўлса-да, бузғунчи малика эканлиги, Бобур ва унинг салтанатига кўп зиён етказгани кузатилади. Шу ўринда Шохбегим ва унга ўхшаган аёллар (масалан, Хиротда Хадичабегим, Самарқандда Зухрабегим ва бошқалар)нинг касри нафси боис темурийлар салтанати яқсон бўлишига қайсидир маънода сабаб бўлади. Бобур бошига солган шунча хиёнату кулфатларга қарамай Шохбегимга нисбатан ёмон муносабатда бўлмайди, унинг барча гуноҳларини кечиради, жазолашни эса қодир Оллоҳ ҳукмига топширади. Бунда Бобур шахси нафақат жисмонан, балки маънан ҳам ғолиб шахс сифатида намоён бўлади.

11. Нақшбандия тариқати ва унинг вакиллари таъсири Бобурнинг ижтимоий, сиёсий ҳаётида, давлат бошқарувида ва асосийси, унинг шахсий ҳаётида, иймон-этиқоди шаклланишида бевосита шу оқимнинг таъсири сезиларли бўлди. Шунингдек, унинг характериға хос бўлган меҳр шафқатлилиқ, кечиримлилиқ, саховатпешалиқ, мардлиқ сифатларининг шаклланишида, этиқоди мустаҳкам бўлишида бу тариқатнинг ўрни беқиёсдир. Бобурнинг жангларидаги курашларда ғолиблиққа эришишида, баъзида ғурури ва нафс устидан мутлақ маънавий ғолиблиққа етишида ҳам ўзи этиқод қўйган бу таълимот ва унинг улуғ пешволари мадади бениҳоя катта бўлди. Бобурнинг ўз устоз-пирларидан олган ҳам моддий, ҳам маънавий таълим тарбияси унинг ҳаётида жуда муҳим аҳамият касб этди.

12. Бобур мукамал этиқод кишиси сифатида жангларидаги ғолиблигини таъминловчи омиллар сифатида, аввало, Ҳақ таолонинг ҳукми ва тақдири, кейин эса ўзининг саъй-ҳаракати ва қатъиятида деб билади. Шу билан бирга, у мағлублиққа маҳкум этувчи иллатлар сифатида ички низолар, ўзаро бошбошдоқликлар ва қатъий тартиб интизомнинг мавжуд эмаслигида, деб тушунади. Энг асосий иллат сифатида эса, нафсга эрк бериш, унинг қулига айланиш инсонни ҳам зоҳиран, ҳам ботинан мағлубиятга дучор қиладиган жиҳатлардан эканини яхши англайди.

13. Бобур шахсиятининг ўзига хос бўлган энг муҳим жиҳатларидан бири сифатида унинг ҳаётлик пайтидаёқ тожу тахтини ўғли Ҳумоюнга топшириниш учун ўзида жасорат топа олганлигидадир. Бу қарори билан у нафси аммор устидан ғолиб келганининг олий намунасини яна бир бор намоён этди, Шарқ тарихида камдан кам учрайдиган шахс эканини яна бир бор исбот қилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSC.03/30.12.2019.FIL.02.03 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

СУЛОЙМОНОВ ИСРОИЛЖОН ИСОМИДДИНОВИЧ

**ХУДОЖЕСТВЕННОЕ ИЗОБРАЖЕНИЕ ПСИХОЛОГИЧЕСКОГО
СОСТОЯНИЯ ПОБЕДИТЕЛЯ И ПОБЕЖДЕННОГО В БАБУРНАМЕ**

10.00.02 – Узбекская литература

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА
ФИЛОЛОГИЧЕСКИХ НАУК (DSC)**

Самарканд – 2020

Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована Высшей Аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером №B2017.2.DSc/Fil74.

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Ученого совета (www.samdu.uz) и в Информационном образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный консультант: **Мухиддинов Муслихиддин Кутбиддинович**
доктор филологических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Кудратуллаев Хасан Самадович,**
доктор филологических наук, профессор
Жабборов Нурбой Абдулхакимович,
доктор филологических наук, профессор
Мустафа Угурлу
доктор филологических наук, профессор

Ведущая научная организация: **Андижанский государственный университет**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2020 года в «__» часов на собрании Научного совета DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 по присуждению научных степеней при Самаркандском государственном университете, (Адрес: 140104, город Самарканд, Университетский проспект, 15. Тел: (8366) 239-11-40, 239--18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail:rector@samdu.uz. Самаркандский госдарственный университет, Главный учебный корпус, аудитория №105.

Диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрирована под номером _____). (Адрес: 140104, город Самарканд, Университетский проспект, 15. Тел: (8366) 239-11-40, 239--18-92; факс: (8366) 239-11-40.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2020 года
(Протокол реестра № ____ от «__» _____ 2020 года).

Ж.Хамроев,
заместитель председателя Научного совета по
присуждению научных степеней,
д.филол.н.

А.Б.Пардаев,
Секретарь Научного совета по
присуждению научных степеней, д.филол.н

А.Э. Маматов,
Председатель научного семинара
при Научном совете по присуждению
научных степеней, д.филол.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации (DSc))

Актуальность и необходимость темы диссертации. «Бабурнаме» - как совершенный образец мемуарного жанра в мировой литературе имеет огромное значение в качестве историко-литературного источника. Кроме этого, оно считается энциклопедическим произведением, которая предоставляет информацию о многих отраслях науки. Поскольку «Бабурнаме» привлекла внимание зарубежных исследователей, работа была переведена на несколько иностранных языков. Объем исследований осуществленных по «Бабурнаме» еще раз подчеркивает произведения.

На основе изображений событий «Бабурнаме» на первый план выходит статус отдельных личностей, игравших важную роль в общественно-политической жизни своего времени, меняются местами палитра создания характеров, неповторимость изображения состояний победившей и побежденной личности, мужество и трусость, лежащих в основе изображенного конфликта, смелость и предательство, слава победителя и горечь поражения. Изучение сложных состояний психологии исторических личностей, психологических процессов, проблем духовности героев определяет актуальность темы.

Многочисленное исследование рукописных копий «Бабурнаме» в мировом литературоведении и усиливающееся внимание к созданию художественных, исторических и публицистических произведений на основе исторических фактов указанных в нем еще раз подчеркивают общечеловеческое значение произведения. Перевода «Бабурнаме» на многие языки, а также его переиздания ярким свидетельством нашей мысли. Следовательно, научное исследование содержательного масштаба, личности автора, его своеобразного изобразительного стиля и художественного мастерства, проблемы описания душевного состояния проблем победителя и проигравшего в «Бабурнаме» на основе современных методов анализа имеют крайне важное значение.

Масштабные реформы, проведенные в стране за годы независимости, акцентирование внимания к литературе и духовности на уровне государственной политики, требуют нового подхода к исследованию образцов классической узбекской литературы.

Наряду с классическими литературными традициями существующими в узбекском литературоведении, формируются также навыки творческого усвоения новых принципов и методов мирового литературоведения и их активного применения в исследованиях. Следовательно, то что «Узбекистан в области науки и образования, интеллектуального потенциала, современных кадров и высоких технологий должен стать конкурентноспособным в мировом масштабе»¹ ставит задачу повышения науки узбекского литературоведения на мировой уровень.

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабдаги Олий Мажлисга мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабрь. - №258(6952).

Исходя из этого принципа, исследование в литературоведении проблемы победителя и побежденного в «Бабурнаме» в качестве литературно-эстетической категории определяет актуальность данной работы.

Данная диссертация в определенной степени окажет содействие осуществлению задач, отраженных в Постановлении Президента Республики Узбекистан ПП-2909 от 20 апреля 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования», Постановлении Президента Республики Узбекистан ПП-2995 от 24 мая 2017 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы хранения, исследования и пропаганды древних письменных источников», Постановлении Президента Республики Узбекистан ПП-3074 от 20 июня 2017 года «Об учреждении центра исследований культурных ценностей Узбекистана, находящихся зарубежом при Кабинете Министров Республики Узбекистан», Указе Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлении Кабинета Министров №571 от 24 июля 2018 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Самаркандского государственного университета», Указе Президента Республики Узбекистан от 10 октября 2018 года «Об утверждении концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года», Законе Республики Узбекистан ЗРК-576 от 29 октября 2019 года «О науке и научной деятельности», Послании Президента Республики Узбекистан Олий Мажлису от 24 января 2020 года и других нормативно - правовых документах.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением I.«Формирования и пути реализации системы инновационных идей духовно-просветительского, культурного, экономического, правового, социального развитие информатизированного общества и демократического государства» развития науки и технологий республики.

Комментарии международных научных исследований по теме диссертации¹.

В ряде нескольких ведущих зарубежных научных центров и высших учебных заведений проводятся исследования относительно историко-художественной ценности «Бабурнаме», мастерства изображения автора и его переводов. В частности, исследования осуществляются в таких научных и образовательных учреждениях как California Universities (США), Humboldt Universitat (Германия), Oxford, Cambridge Universities (Великобритания), Jawaharlal Nehru University (Индия), Kyoto University (Япония), Eötvös Loránd

¹Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: <https://Oxford Bibliographies Online Research Guide>; <https://ru.wikipedia.org/wiki/>; <https://books.google.co.uz/>; academia.uz/; www.ebooks.azlibnet.az/book/HCBOWku7; <https://ELTE-Eötvös-Loránd-Tudományegyetem/>; www.britanica.com/; www.cambridge.org/; www.amazon.com/; www.edu.uz/; britishcouncil.org/; internauka.ru/; micros.uz/; actsudent.org/; educationusa.info/; americanenglish.state.gov/; arzamas.academy/uni/eastwest/pers/; www.twirpx.com/; www.dissercat.com ва бошқа манбалар асосида тайёрланди.

University (Будапешт, Венгрия), Ain Shams University (Египет), Cumhuriyet, Kocaeli Üniversitesi Süleyman Demirel Üniversitesi, Ankara Üniversitesi (Турция), Azərbaycan Milli Elmlər Akademisi, Bakı Dövlət Universiteti (Баку), Институт востоковедения РАН (Россия), Казанский университет (Россия), Ташкентский государственный университет узбекского языка и литературы имени Алишера Навои, Ташкентский государственный институт востоковедения, Узбекский государственный университет мировых языков (Узбекистан).

В результате исследований посвященных художественному и историческому значению «Бабурнаме» получены следующие научные результаты: научно доказано литературная деятельность Бабура и бабуридов, то что оно является настоящим образцом тюркской прозы, его исторические и художественные особенности (Oxford, Cambridge University); научно и теоретически обосновано значение произведений Бабура в качестве бесценного художественного наследия мировой науки (California University); выявлена роль Бабура и бабуридов в развитии мировой науки, литературы и культуры, вопрос историчности и художественной трактовки в мировом литературоведении, своеобразный стиль изображения Бабура (Jawaharlal Nehru University); обоснована историческая и художественная ценность «Бабурнаме», его место в мировой истории и вопрос личности автора (Eötvös Loránd University); на основе сравнительного анализа копий произведения «Бабурнаме» доказано то, что она является важным источником для мировой истории (Cumhuriyet, Kocaeli Üniversitesi); составлена биография исследований осуществленных в странах мира по жизнедеятельности Бабура и «Бабурнаме» и доказано влияние произведения на мировую литературу (Институт востоковедения РАН), обоснована художественное своеобразие «Бабурнаме», его сравнительный анализ, вопросы трактовки психологии личности в произведении (Ташкентский государственный университет узбекского языка и литературы имени Алишера Навои, Узбекистан).

В мировом литературоведении проводятся исследования по следующим приоритетным направлениям относительно художественной ценности и своеобразного стиля изображения автора в «Бабурнаме»: определение исторических и художественных особенностей «Бабурнаме» и изучение в феноменологическом аспекте; выделение социоантропологических доминант в работе; раскрытие художественного изображения психологического состояния победителя и побежденного, которое происходит внутри и за пределами исторических фигур, изображенных в произведении; изучение произведений созданных в различных жанрах на основе исторических фактов в «Бабурнаме».

Степень изученности проблемы. Вопросы специального научного исследования творческого наследия Бабура, в частности изучение «Бабурнаме», исследование художественных особенностей произведения и своеобразного стиля изложения автора осуществлено такими узбекскими учеными как А.Фитрат, М.Шайхзода, П.Шамсиев, С.Мирзаев, С.Азимжонова, В.Зохидов, Х.Ёкубов, С.Жамолов, А.Каюмов, Б.Валихужаев,

А.Абдугафуров, Г.Саломов, Н.Комилов, С.Хасанов, Н.Отажонов, Х.Кудратуллаев, С.Жалилов, Р.Вохидов, Ё.Исхоков, И.Хаккулов, Х.Болтабоев, Х.Султонов, В.Рахмонов, Ш.Рустамхужаев, А.Иброхимов, Н.Низомиддинов, Д.Салохий, Н.Жабборов, Э.Очилов, З.Холманова, Д.Хошимова, Р.Каримов, М.Абдуллаева¹; русскими учеными: И.В.Стеблевой, А.Н.Самойловичем², зарубежными учеными: Ж.Лейден, У.Эрскин, Л.У.Кинг³, Р.М.Калдекот, Ф.Г.Талбот, С.Лейн-Пуул⁴, Э.Холдэн,

